

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

“Банк-молия хизматлари” факултети

“Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси

“Ҳимояга тавсия этилди”

Кафедра мудири, профессор

Ж.Р.Зайналов

Баённома №___ 2017 йил ___ май

5230600 – “Молия” таълим йўналиши

МК-313 гуруҳ талабаси

Эрматов Улугбекнинг

**«Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик
инновацион корхоналарни ривожлантиришни молиявий
рағбатлантириш (“Қўшработ туман ишлаб чиқариш
корхонаси” МЧЖ маълумотлари бўйича)» мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: асс. Мухаммедова З.

Илмий маслаҳатчи: доц. Мусаев Р.

САМАРҚАНД – 2017

Мундарижа

Кириш.....	4
I Боб. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инновация ва инновацион фаолият	
1.1. Инновацион фаолиятни ривожлантириш асослари.....	10
1.2. Ижтимоий-иқтисодий вазифаларни амалга оширишда фан-техника ривожланишининг ўрни.....	14
1.3. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инновацион фаолиятни тартиблаш зарурияти.....	17
II Боб. Инновация муҳитида кичик корхоналарни молиявий рағбатлантириш амалиёти	
2.1. Инновация муҳитида кичик бизнес фаолияти самарадорлиги таҳлили.....	20
2.2. Кичик корхонада инновацион жараёнларни бошқаришни ташкил этиш амалиёти.....	22
2.3. Кичик инновацион фаолият корхоналарини молиявий рағбатлантиришга таъсир этувчи омилларни юмшатиш имкониятлари.....	25
III Боб. Кичик инновацион корхоналарни ривожлантиришни молиявий рағбатлантириш истиқболлари	
3.1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлатнинг инновацион сиёсати ва уни кичик инновацион корхоналарни ривожланишини рағбатлантириш йўналишлари.....	30
3.2. Инновацион фаолиятни ривожлантиришда хорижий тажриба.....	34
3.3. Кичик инновацион корхоналарни ривожлантиришда инвестиция омилларидан фойдаланишнинг истиқболлари.....	40
IV Боб. «Қўшработ туман ишлаб чиқариш корхонаси» МЧЖда ҳаёт	

фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари

4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти.....	49
4.2. «Қўшработ туман ишлаб чиқариш корхонаси» МЧЖ ҳодимлари меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора- тадбирлари.....	50
4.3. «Қўшработ туман ишлаб чиқариш корхонаси» МЧЖда фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари.....	55
4.4. «Қўшработ туман ишлаб чиқариш корхонаси» МЧЖда фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммаллаштириш йўллари.....	62
Хулоса.....	64
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	66

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг асосий ва устувор вазифаларидан бири - хусусий сектор, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ва таъминлашдан иборат. Инновацион ривожланиш давлатларга жаҳон иқтисодиёти етакчилигига чиқиш, халқаро бозорларда рақобатчилик курашида бардош бериш ва ғолиб бўлиш имконини беради. Мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида сифат ўзгаришларини таъминлаш учун нафақат мавжуд технологияларга суяниш, балки инновацион фаолиятни самарали қўллаб-қувватлаш тизимини яратишга ҳам аҳамият қаратиш лозим. Агар, биринчиси ривожланган мамлакатлар даражасига яқинлашиш имконини берса, фақат фаол инновацион фаолиятгина ушбу муваффақиятнинг узок муддатини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти барқарор ўсиши ва аҳолисининг турмуш фаровонлиги ҳал қилувчи даражада мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш асосида тўпланган ақлий ва технологик салоҳиятни динамик равишда ўзлаштиришига боғлиқдир. Чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) иқтисодиёт реал секторининг шиддатли ривожланаётган элементлари бўлиб бормоқда, маълум лойиҳаларни татбиқ этиш ва янгиликларни олиб чиқиш билан боғлиқ бўлган етакчи роли инновацион тадбиркорлик, инноватор-субъектларга кўп даражада дахлдордир.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиши шароитида мамлакат учун муҳим вазифа миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини кучайтириш бўлиб, бу кўпинча КБХТ соҳасида инновацион фаолиятнинг ўсиш даражаси ва ҳажми билан белгиланади.

Реал инновациялар техника ва технология билан боғлиқ, деган кенг тарқалган фикр мавжуд. Аммо инновация ташқи илмий-техника ишлари, натижасидан уни татбиқ этиш натижасида эҳтиёж, тўлов эҳтиёжи, қиймати унинг юзага келиши билан фарқланади.

Айнан тўлов эҳтиёжи каби талабнинг мавжудлиги, Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришнинг кўпгина масалалари ечимига ойдинлик киритади.

Ҳар қандай кички корхона раҳбарининг биринчи даражадаги вазифаси корхонада инновацион муҳитни яратиш, кичик корхона мутахассисларини ва ходимларини инновацион фаолиятга жалб қилиш, шунингдек, мувофик ташкилий ва инновацион маданиятни рағбатлантириш, ижодий фаолият яратилишида инновацион-технологик, техник-ташкилий ўзгаришларнинг амалга оширилиши учун ташаббус кўрсатишдан иборат бўлиши лозим.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. кичик инновацион корхоналарни ривожлантиришни молиявий рағбатлантиришнинг назарий ва услубий масалалари хорижий ва МДҲ мамлакатларининг иқтисодчи олимларидан Х. Андерсон, И.Н. Богатая, О.И. Гусарова, Д. Колдуэлл, Н.П. Кондраков, Б. Нидлз, В.Д. Новодворский, В.В. Панков, М.С. Пушкаръ, Дж. Робертсон, Дж. Рис, Л.В. Сотникова, Я.В. Соколов, В.П. Суйц, Ж. Фостер, Френк Вуд, Н.Н. Хахонова, Р. Энтони, А.Д. Шеремет, Ю.В. Щербининалар илмий ишларида тадқиқ қилинган¹.

Мамлакатимиз олимларидан Э.А. Акрамов, А.В. Ваҳобов, Э.Ф. Гадоев, А.А. Каримов, А.Т. Иброҳимов, З.Т. Маматов, М.Қ. Пардаев, М.Ю. Раҳимов,

¹ Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д. Принципы бухгалтерского учёта. – М.: Финансы и статистика, 1997.- с. 496.; Богатая И.Н., Хахонова Н.Н. Аудит.– Ростов-на Дону: Феникс, 2003. - с. 386.; Гусарова О.И. Аудит финансовых результатов промышленного предприятия // Аудиторские ведомости.- 2004. - №1.- 28 с.; Соколов Я.В. Основы теории бухгалтерского учёта. – М.: Финансы и статистика, 2000.- с. 496.; Френк Вуд. Бухгалтерский учёт для предпринимателей. – М.: ООО Аскери, 1996. – с. 334.; Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит: учебник. М.: ИНФРА-М., 2005.- с. 448.; Энтони Р., Рис Дж. Учёт. Ситуация и примеры. –Москва: Финансы и статистика, 1993. – с. 348.; Щербинина Ю.В. Классификация операционных и внеоперационных доходов и расходов // Аудиторские ведомости. – М.: 2003 - №1.- с. 28.

М.М. Тўлаходжаева, Б.А. Ҳасанов, И.Н. Қўзиевларнинг тадқиқот ишларида кичик инновацион корхоналарни ривожлантиришни молиявий рағбатлантиришнинг назарий, услубий ва ташкилий жиҳатлари таҳлил этилган².

Кичик инновацион корхоналарни ривожлантиришни молиявий рағбатлантириш масалалари бўйича XX асрнинг 90-йилларида А.С. Бородин, В.И. Видяпин, С.И. Голосовский, С.А. Стуковлар³ илмий-тадқиқотлар олиб боришган. Юқорида қайд этилган илмий ишларда асосан тармоқ корхоналарида янги техникаларни ишлаб чиқариш ва жорий қилиш билан боғлиқ молиявий муносабатларини такомиллаштириш масалалари ўрганилган. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида молиявий муносабатларнинг бозор муносабатлари шароитида ташкил қилиниши инновацион фаолиятни ташкил этиш ва молиявий рағбатлантириш олдига ҳам янги талабларни қўяди. Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар ушбу соҳада жамланган муаммолар ҳал этилишини тақозо этади бу эса, мазкур мавзунинг танланишига асос бўлди.

БМИнинг илмий – тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

БМИ СамИССИнинг илмий – тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

² Акромов Э.А. Анализ финансового состояния предприятия. Учеб. пособие для вузов. – изд. ТашГЭУ, 2000.- с. 168; Ваҳобов А., Иброҳимов А. Молиявий таҳлил. – Т.: Шарқ, 2002.- Б. 310.; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит.-Т.: Iqtisod-moliya, 2008. – Б. 153. Маматов З.Т. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштириш масалалари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: 2005.-Б. 34.; Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. - Сам.: 2001. – Б. 272.; 43. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 392-б.; Тўлаходжаева М.М. Корхона молиявий аҳволи аудити. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1996.- Б. 193.; Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари, и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. – Т.: 2004. – Б. 33.

³ Бородин А.С. Учёт затрат на освоение новой техники. – М.: Финансы и статистика. 1985.- с.94.; Видяпин В.И. Учет затрат на научно-исследовательские работы. –М.: Финансы и статистика. 1990.- с.78.; Голосовский С.И. Эффективность научных исследований в промышленности. – М.: Экономика. 1996.- с.110.; Стуков С.А. Система производственного учета и контроля. –М.: Финансы и статистика. 1988.- с.65.

Тадқиқотнинг мақсади. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида кичик инновацион корхоналарни ривожлантиришни молиявий рағбатлантириш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги **вазифалар** белгиланди:

- инновацион фаолиятни ривожлантириш асосларини ёритиш;
- ижтимоий-иқтисодий вазифаларни амалга оширишда фан-техника ривожланишининг ўрнини аниқлаш;
- иқтисодийни модернизациялаш шароитида инновацион фаолиятни тартиблаш заруриятини асослаш;
- инновация муҳитида кичик бизнес фаолияти самарадорлиги таҳлил қилиш;
- кичик корхонада инновацион жараёнларни бошқаришни ташкил этиш амалиётини кўриб чиқиш;
- кичик инновацион фаолият корхоналарини молиявий рағбатлантиришга таъсир этувчи омилларни юмшатиш имкониятларини ўрганиш;
- иқтисодийни модернизациялаш шароитида давлатнинг инновацион сиёсати ва уни кичик инновацион корхоналарни ривожланишини рағбатлантириш йўналишларини ишлаб чиқиш;
- инновацион фаолиятни ривожлантиришда хорижий тажрибани ўрганиш ва тегишли хулосаларни чиқариш;
- кичик инновацион корхоналарни ривожлантиришда инвестиция омилларидан фойдаланишнинг истиқболлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти – “Қўшработ туман ишлаб чиқариш корхонаси” МЧЖ корхонасини ривожлантиришни молиявий рағбатлантириш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети – “Қўшработ туман ишлаб чиқариш корхонаси” МЧЖнинг корхонаси бўйича маълумотларини таҳлил қилиш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар йиғиндисидан иборат.

Тадқиқот методлари: қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, иқтисодий таҳлил, таққослаш ва таҳлилнинг бошқа усулларида фойдаланилган.

Тадқиқот гипотезаси: корхона инновацион фаолияти ва уни бошқаришни яхлит тизимли тадқиқ қилиш, мазкур жиҳатлар шакллантирилишининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва молиявий рағбатлантириш тизимини такомиллаштиришга бағишланган янгича илмий ёндашувлардан иборат.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- корхоналарда инновацион фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг харажатларини молиявий рағбатлантириш механизми аниқланди;
- инновацион фаолият молиявий рағбатлантиришни бошқаришни самарали амалга ошириш тартиби тавсия қилинди;
- инновацион фаолият харажатларини харажатлари сифатида ҳисобга олиш тартиби такомиллаштирилди.

Илмий янгилиги:

- инновацион фаолиятни рағбатлантириш тушунчасининг мазмуни ёритилди;
- инновацион фаолият рағбатлантириш механизмининг такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилди;
- инновацион фаолият янги мезонлар бўйича туркумлаш ва уларнинг молиявий муносабатларни ташкил қилишга таъсири аниқланди;
- инновацион фаолиятни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларини молиявий муносабатларини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар берилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан

хўжалик юритувчи субъектларда харажатларини молиявий муносабатларни ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш бўйича меъёрий-услубий хужжатларни тайёрлаш жараёнида фойдаланилади. БМИда олинган илмий фикр ва назарий ғоялардан олий ўқув юртларида «Молия», «Молиявий менежмент» ва «Корхоналар молияси» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот ишининг натижалари ва хулосалари «Қўшработ туман ишлаб чиқариш корхонаси» МЧЖ (29.05.2017 йилдаги далолатнома) томонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. БМИнинг илмий натижалари Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси семинарида муҳокама этилди ва ҳимояга тавсия этилди.

БМИнинг тузилиши ва ҳажми. БМИ кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Унинг матни 70 бет бўлиб, унда 3 та жадвал, 1 та диаграмма ва 3 та чизма мавжуд.

I-Боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида инновация ва инновацион фаолият

1.1. Инновацион фаолиятни ривожлантириш асослари

Тадбиркорлик хўжалик юритиш услуги бўлиб, кўп асрлик ривожланиш эвазига ривожланган давлатлар иқтисодиётида устувор макъага эга бўлди. Тадбиркор ишлаб чиқариш кўрсаткичлари омилларининг шундай бирлашуви ва қўшилишини таъминлаш учун ўзининг имкониятларидан фойдаланади, у мақсадга эришишда юқори фойда олишни таъминлаб беради.

Ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиришга интилиш инновациялар билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун тадбиркорлик, ресурсларга фойдали маблағ сарфлаш, бозорга маҳсулотларни киритиш, янги маҳсулотлар яратмай туриб, амалга ошириш мумкин эмас.

Мустақилликни қўлга киритганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси демократик янгиланиш йўлига ўтди. Ижтимоий турмушнинг барча жабҳаларида бўлгани каби Ўзбекистонда демократия ривожланишининг муҳим йўналишлари, мазмуни, стратегик принциплари ва эркинлаштириш вазифалари Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 14 апрелда бўлиб ўтган (14 сессияси) “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” номли маърузасида бевосита баён этилган фикрлар, кўрсатмаларга И.А. Каримов томонидан эркинлаштиришнинг чуқур назарий асослари, унинг амалда татбиқ этилиши чоралари, янги вазифаларнинг қўйилиши Олий Мажлиснинг 1-сессия Иккинчи чақириғи (2000 йил, январь)да давом эттирилди ва аниқлаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов ўзининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма йиғилишидаги маърузасида мамлакат иқтисодиётини чуқур модернизация қилиш масаласини шакллантириб берди ва “Аввалги асосий вазифа - иқтисодийни кейинги либераллаштирилиши ва

бозор ислохотларини чуқурлаштириш”, - деб таърифлади⁴. Шунингдек, Президент иқтисодиётни модернизация қилишнинг заруратини энг асосий сабаблари қаторида минтақавий ва жаҳон бозоридаги ўзгаришлар, эҳтиёжнинг кучайиши ва рақобатнинг ўсишини кўрсатиб, объектив шароитларда аҳолининг турмуш тарзига муносиб шароитларни яратишни асослаб берди. Шунга кўра, ЎзР Президенти И. Каримов иқтисодий ислохотлар ва мамлакат ижтимоий ҳаётини энг устувор модернизациялаш масалалар таъкидлаб келмоқда. Демократия ва турли “очиқ жамият моделлари”ни экспорт қилиш мумкин бўлмаганидек, ташқаридан импорт қилиш ёки давлат қурилишининг универсал лойиҳасини мажбуран қабул қилдириш мумкин эмас.

Демократик давлат ривожини асосларини яратиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жамиятнинг асосий соҳаси бўлган иқтисодиётнинг янгилашмаган, ижтимоий муносабатларни эркинлаштиришсиз (иқтисодий, сиёсий, маънавий) идрок этиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига ўтишнинг шахсий модели (“Ўзбек модели”)ни татбиқ этиш, шунингдек, модернизация назарияси ва амалиёти олдида янги вазифаларни қўяди, бунда давлат энг асосий ислохотчи бўлиб, ўзига ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий модернизация – саноатлаштиришнинг татбиқи давомида, унинг учун зарур бўлган тадбиркорлик маданиятини ташкил этишда шахсий мулкни, хусусийлаштиришда истеъмолни назорат қилиш, ҳатто бутун бир ижтимоий синф – ўрта синф мулкдорларини шакллантиришдаги ташаббусни ўз қўлига олади.

Бутун дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари Ўзбекистон Республикаси ва унинг иқтисодиётини ҳам четлаб ўтмайди. Ҳар қандай объектив жараён сифатида глобаллашув ҳам барча миллат ва давлатларни ўз

⁴ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. 76 б.

орбитаси томон жалб қилиб, барча миллат иқтисодиётларини ягона иқтисодий тизимга бирлаштириб, ўз фаолият сарҳадларини кенгайтириб боради. Жаҳон иқтисодиётининг трансформациялаштириш ва меҳнатни халқаро тақсимлаш шароитида, ташқи бозорда рақобатбардошлиликни таъминлаш учун айрим давлатлар консолидациялашга, мунтазам ўз иқтисодиётини ривожлантириш, мавжуд манбалардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга мажбур бўлмоқдалар.

Бу маънода Ўзбекистон Республикаси истисно эмас. Республиканинг ривожланаётган ва кенгайиб бораётган ички ва ташқи бозори жаҳон иқтисодиётига фаол интеграциялашувдан бошқа чораси йўқ. Ўзбекистоннинг ҳозирги ижтимоий-иқтисодий вазияти ва жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш йўналишларини эътиборга олган ҳолда, шуни таъкидлаш мумкинки, унинг келгуси ривожланиши ва иқтисодиётининг келажаги мамлакатнинг глобал иқтисодий тизимга интеграциялашуви билан узвий боғлиқдир. Чунки бугунги кунда Ўзбекистон худди бошқа давлатлар каби иқтисодий ўсишнинг мураккаб масалаларини яқка ҳолда, яъни қолган дунё билан маҳсулот айирбошлаш жараёнларида меҳнатни халқаро тақсимлашда кенг иштирокисиз самарали ҳал қила олмайди. Унга ёш суверен давлат сифатида халқаро институт ва ташкилотларда фаол иштирок этиш билан бирга глобал иқтисодий тизимга чуқур интеграциялашиш лозим бўлади.

Жаҳон иқтисодий инқирози ушбу интеграциянинг қанчалик чуқурлигини, шу вақтнинг ўзида ривожланиш циклик шароитида юзага келаётган даврий пасайишлардан иқтисодиётни ҳимоялашнинг миллий превентив чораларини амалга ошириш зарурлигини кўрсатди. “Ўзбекистонда қабул қилинган модернизация ва ислоҳ қилиш модели келгусида миллий манфаатларни амалга оширишни” ўз олдига мақсад қилиб қўяр экан, “янгисини яратмай туриб, эскисидан воз кечма” деган нақлга амал қилган ҳолда ислохотларни босқичма-босқич амалга оширилишини назарда тутди.

Ўзбекистон нафақат кўп соҳали саноат ва табиий бойликлардан иборат рақобатбардош усутворликларга, балки мавжуд илмий-техник салоҳият ва малакали кадрларга эга бўлган йирик илмий базага эгадир.

Бугунги кунда республикада 220 дан зиёд илмий тадқиқот муассасалари, олий таълим муассасалари, тажриба-конструкторлик ташкилотлари, илмий ишлаб чиқариш корхоналари, кичик инновацион марказлар фаолият юритмоқдалар.

Ўзбекистоннинг илмий-техник ва инновацион сиёсати мамлакат иқтисодий ривожланишига фан ва техника улушининг кенгайтирилишига, моддий ишлаб чиқаришда илғор таркибий ва технологик тубдан ўзгаришни таъминлаш, иқтисодий эркинлик, миллий идрокни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг маънавий ва ҳар томонлама ривожланишига кўмаклашиш, фан ва таълим саноатининг ўзаро алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тубдан ўзгартиришдаги муҳим стратегик вазифалар қаторида илмий-техника салоҳиятидан самарали фойдаланиш, кўпайтириш ва сақлаб туришни ҳам кўриб чиқиш лозим, чунки давлатнинг ХХІ асрдаги иқтисодий ўсиши фан-техник тараққиёти ва иқтисодийнинг барча соҳаларида, асосан, саноатда ишлаб чиқаришнинг интеллектуаллашуви билан таъминланади.

Ўзбекистонда давлат фан-техника сиёсатини амалга оширишда, селектив ривожланиш стратегияларини бирлаштирган ва илғор фан-техника ишланмаларини ўзлаштириш йўли - мақсадли йўл деб тан олинган.

Биринчи – мавжуд фан-техника салоҳияти ва унинг давлат фан-техника сиёсатига қаратилган фаолиятининг уйғунлашувига асосланган иқтисодийнинг базавий соҳаларини ривожлантириш учун.

Иккинчи – жаҳон даражасидан анча орқада қолаётган республикадаги кам ривожланган, лекин давлатнинг ҳаётини фаолияти учун жуда зарур фан-техника йўналишлари.

Ўзбекистон Республикасининг янги ижтимоий-иқтисодий шароитдаги фан-техника сиёсатининг моҳияти илмий ва технологик ишланмаларга максимал даражада кўмаклашиш бўлиб, республиканинг товарга, маҳсулот ишлаб чиқаришга ва хизмат кўрсатишга ҳамда жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотга бўлган ички эҳтиёжини тезкор қондириш мақсадида иқтисодиёт соҳаларининг кардинал янгиланишига кўмаклашишдир.

1.2. Ижтимоий-иқтисодий вазифаларни амалга оширишда фан-техника ривожланишининг ўрни

Фан-техника ривожланишининг устувор йўналишлари иқтисодий ва ижтимоий соҳанинг, шунингдек, мамлакат иқтисодиётини тузилмавий қайтадан тузишнинг ривожланиш стратегияси билан боғлиқ ҳолда белгиланади.

Республикада мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши вазифаларини, шунингдек, замонавий фан ютуқларини ҳисобга олган ҳолда фан ва технология ривожланишининг етти устувор йўналиши ишлаб чиқилган.

Биринчидан, демократик давлат ривожланишининг ижтимоий ва иқтисодий, ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни такомиллаштириш ва чуқурлаштириш.

Иккинчидан, жамиятнинг маънавий-маърифий ва тарихий-маданий муаммолари ва жараёнларини ўрганиш, тарихий, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ёш авлодни тарбиялаш.

Учинчидан, қазилма бойликларни топиш, минерал хомашё ва иккиламчи хом-ашёни чуқур қайта ишлашда илғор технологияларни яратиш ҳамда изланишнинг юқори самарали услубларини ишлаб чиқиш.

Тўртинчидан, ер, сув ва биологик соҳалардан оқилона фойдаланиш ва уларни тўлдириб бориш тизимини такомиллаштириш зарурлиги, биотехнология соҳасида генетик манбалар ва илмий кашфиётлардан оқилона фойдаланиш борасида қишлоқ хўжалиги ва чорва турларини яратишда юқори самарали агротехнологиялар яратиш таъкидланган эди.

Бешинчи устуворлик – тиббиёт соҳасида илғор технология, замонавий услуб ва воситаларни ишлаб чиқиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш ва экологик хавфсизликни таъминлаш.

Олтинчи устуворлик - энергия ва хомашё билан таъминловчи янги авлод машиналари, асбоб-ускуна ва материаллар, техник воситалар ва ахборот технологияларнинг илмга йўғрилган технологияларини ишлаб чиқиш.

Еттинчи устуворлик – ахборотлаштириш муаммоларини тадқиқ қилиш, ахборот узатиш технологияларини ишлаб чиқиш, ахборотни ҳимоя қилиш ва қайта ишлаш, бошқарув ва лойиҳалаштиришнинг интеллектуал тизимини яратиш.

Мамлакат илм-фани ривожланишидаги ушбу йўналишларнинг барча замонавий умуммиллий мақсадлар ва устуворликларига Ўзбекистоннинг илмий анъаналари ва тарихий-маданий малакасининг жаҳон йўналишларини ҳисобга олган ҳолда асосланади.

Давлатнинг фан ва техника сиёсати доирасида, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ва ривожланиши устуворликларидан келиб чиқиб, саноат соҳалари, бошқарувнинг минтақавий ташкилотларида шаклланган муаммо ва вазифалар асосида, илмий ва технологик ишланмаларга давлат буюртмаси шаклида расмийлаштирилиб илмий-техникавий дастурлар ишлаб чиқилмоқда ва улар илмий тадқиқотлар, конструктор-технологик ишланмаларни молиялаштириш учун хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда илмий-техникавий ва инновацион фаолиятни амалга ошириш механизми дастурли-мақсадли тамойилга асосланган бўлиб,

“фундаментал тадқиқот+амалий тадқиқот+инновацион ишланмалар” занжири бўйича ўзлаштиришнинг юқори даражасини таъминламоқда. Ушбу механизмни амалга оширишда у ёки бу муаммони ҳал қилишга қаратилган танловлар хизмат қилмоқда.

Шундай қилиб, фан ва техника ривожланиши устувор йўналишларга мувофиқ, табиат ва жамият ривожланишининг қонуниятлари ҳақидаги янги билимларни қамраб олишга қаратилган, амалий ишланмаларга назарий база яратиш учун беш йилгача муддатга фундаментал тадқиқотларнинг фан-техника дастурлари шаклланади. Биринчи галда қўлга киритилган натижалардан келгусида фойдаланиш нуқтаи назаридан, билим даражаси ва илмий салоҳият даражасини юксалтирувчи, стратегик аҳамиятга эга бўлган ишлар молиялаштирилади.

Амалий тадқиқотларнинг фан-техника дастурлари уч йилга қадар фундаментал тадқиқотлар натижаларига асосланади, у ёки бу соҳадаги юксалишни амалга оширишга қўмаклашувчи техника ва технологиянинг янги турларини яратишга йўналтирилади. Бу дастурлар кейинчалик иқтисодиёт соҳаларида ўзлаштирилиши учун таклифларнинг инновацион пакетини ўзига хос тўлдириш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Икки йиллик муддатдан ортмаган инновацион фан-техника иш дастурларининг вазифаси, ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлилик ва технологик даражасини юксалтириш, инновацион маҳсулотнинг ички ва ташқи бозорга чиқарилишини таъминлаш, иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган таркибини шакллантиришдан иборатдир. Инновацион ишларнинг дастурларини шакллантиришда фундаментал ва илмий-амалий-техникавий дастурлар доирасида бажарилган лойиҳаларга устуворлик берилади.

Барча кўринишдаги фан-техника тараққиёти Ўзбекистон иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим йўналишлардан бирини ўзида ифодалайди. Жадал фан-техника тараққиётининг муҳимлиги

айнан шу соҳада республиканинг умумий ва ижтимоий-иқтисодий ўсиш даражаси билан ҳам кучайтирилади, жамиятнинг янги тизими шаклланиши, жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро алоқалар характерининг асосий муҳим муаммоларнинг ечими учун бирламчи ҳаракатлар яратилади.

1.3. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инновацион фаолиятни тартиблаш зарурияти

Бугунги кунда Ўзбекистон интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш ва кенгайтирилишига асосланган ривожланишнинг инновацион турига ўтишнинг замонавий модели учун, илмий-технологик, ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий соҳада мунтазам янгиланиш ва такомиллашувининг ҳар қандай зарур нусха, вазият ва шарт-шароитларига эгадир.

Келгусида мамлакатнинг иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва ижтимоий ривожланиши, муаммолар ечимини таъминлаш бўйича давлат фан-техника ва инновацион сиёсатини амалга ошириш ишлари ўзаги республиканинг ташқи бозорда рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи ҳамда республиканинг экспорт имкониятларини кенгайтирувчи маҳсулотлар, хизмат ва товарларга бўлган ички эҳтиёжини таъминлаш мақсадида саноат соҳаларида самарали ўзгаришларга кўмаклашувчи илмий-технологик ишланмаларга максимал ёндашувдир.

Республиканинг бозор муносабатларига ўтиши бўйича иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш шароитларида инновацион фаолиятини тартиблашда муносиб тамойилларни ишлаб чиқиш зарурати муқаррар бўлади. Бундай тамойиллардан жаҳон тажрибасида машҳур бўлган, пировард илмий-технологик натижаларга йўналтирилган, истиқболли амалий ва ишланма тадқиқотлар танлови, интеллектуал маҳсулот рақобатини рағбатлантириш, давлат маблағларидан мақсадли фойдаланиш ва фан-техника, иқтисодий-ҳуқуқий механизмларнинг самарали фаолиятига иштирокчиларнинг жавобгарлигини белгиловчи, илмий ва инновацион

фаолият ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш принципи маълум. Бунда давлат алоҳида илмий ташкилот ва босқичли таркибларни эмас, балки аниқ дастур ва лойиҳани молиявий маблағлар ҳамда моддий техник ресурслар ашёлари билан қўллаб-қувватлашни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий - иқтисодий ривожланишининг устуворлигига мувофиқ инновацион ишлар дастури доирасидаги тадбирлар асосан беш асосий йўналиш бўйича амалга оширилмоқда.

Маҳсулот ва хизматлар, технологияларнинг алоҳида турлари бўйича республиканинг импортга эҳтиёжи камайиши муаммосининг жуда муҳимлиги, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, ишлаб чиқаришга саноат технологияларини татбиқ этишни ҳисобга олган ҳолда, бажарилаётган инновацион лойиҳаларнинг умумий сонидан 28 фоизи республикамиз иқтисодиётининг илмий-техник ва ижтимоий-иқтисодий соҳалари ривожланишидаги муҳим муаммоларни ҳал этишга қаратилган.

Барча агросаноат комплексининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлар Ўзбекистон Республикасининг умумий ислохотлаштириш умумий тизимидаги муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Тизим яратувчи сиёсатнинг ўзида битмас-туганмас имкониятларга эга бўлган, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан саноатни эса қишлоқ хўжалиги хомашёси билан таъминлайдиган қишлоқ хўжалиги аввалгидек етакчи вазифани эгаллайди. Аҳолининг кўпсонли қисми қишлоқ хўжалигида банд. Бунга кўра, модернизациялаш қишлоқ хўжалик меҳнатини индустрлаш даражасини ошириш, бутун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳамда у билан боғлиқ соҳаларнинг самарадорлигини ошириш иқтисодий масалаларни ҳал этиш билан бирга, улкан ижтимоий аҳамиятга эгадир.

Айнан шундан келиб чиққан ҳолда, инновацион лойиҳаларнинг 26 % агросаноат комплекси билан бирга унинг қайта ишлаш соҳаси ривожланишининг биринчи навбатдаги илмий-техник муаммоларини ҳал этишга қаратилган бўлиши лозим.

Соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришнинг устуворлигини назарда тутган ҳолда, янги юқори самарали дори препаратларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, касалликларни даволаш ва ташхис қўйиш технологияси ҳамда воситаларининг замонавий услубларини татбиқ этишда, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, Давлат дастурининг асосий низомига асосланиб фармакология ва соғлиқни сақлаш соҳаси ривожланиши масалаларига катта аҳамият қаратилмоқда. Лойиҳаларнинг умумий сонидан (19 %) 11 % и давлатимизнинг соғлиқни сақлаш ва фармакология соҳасини ривожлантиришнинг бирламчи муаммоларини ҳал этишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг илк кунлариданок миллий-маданий маънавиятни тиклаш, кўп асрлик маданий-тарихий меросга эга бўлган халқ қадриятларининг муҳим тизимини яратиш ва жаҳон халқлари тарихида ўз ўрни ва ролини аниқлаш масаласи кўтарилди.

Таълимни ривожлантириш, маданият, иқтисодий-ҳуқуқий ва маданий-маърифий даражани юксалтириш масалаларига ҳар доим жуда катта ва жиддий аҳамият қаратиб келинмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг маданий ва маърифий, таълим даражасини ошириш масаласини ҳал этишга қаратилган инновацион лойиҳаларнинг 16 % амалга оширилганлиги қатъий далил асосида далолат бериб турибди.

**II-Боб. Инновация муҳитида кичик корхоналарни молиявий
рағбатлантириш амалиёти**
**2.1. Инновация муҳитида кичик бизнес фаолияти самарадорлиги
таҳлили**

Иқтисодий муносабатларда шаклланиб бораётган инновация тенденциялар бевосита мамлакат иқтисодиётига ҳамда ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва тақсимлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларни молиявий хўжалик фаолиятига таъсир этади.

Ўтган 2016 йилда 500 дан зиёд янги корхона, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятига жалб этилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йили, фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳисобга олмаганда, 20 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилди, уларнинг умумий сони эса 195 мингдан зиёдни ташкил этди. Ялпи ичкй маҳсулотни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 2000 йилдан буён 31 фоиздан 56 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 32,9 фоиздан 31,1 фоизга ўсди. 2016 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 480 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди. Бугунги кунда иқтисодиётнинг ушбу соҳасида иш билан банд бўлган аҳолининг 76,5 фоиздан зиёди меҳнат қилмоқда. Иқтисодиёт соҳасида изчил амалга ошираётган ана шундай чора-тадбирларимиз ўзининг юксак самарасини бермоқда.

Иқтисодиётимизни жадал ривожланиш суръатлари хўжалик юритувчи субъектларнинг бизнес жараёнларида чуқур ўзгаришлар, модернизациялаш, ихтиролар, инновациялар, янги технологиялар кичик бизнес корхоналаридан мослашиш заруратини талаб этади.

Кичик бизнес субъектларининг инновация ва модернизация жараёнларида иштирок этиши ушбу корхоналарнинг рақобатбардошлиги ҳамда ривожланишини таъминлайди.

Инновация иқтисодиёти кичик бизнес субъектларини улкан янги имкониятлардан фойдаланишларига ёрдам беради. Янгиланаётган иқтисодий шароит ва кичик бизнес корхоналарининг сони ортиб бориши оммавий рақобатни келтириб чиқаради. Натижада инновация шароитида кичик бизнес корхоналари учун бирламчи вазифа бўлиб, самарали тижорат фаолиятини ташкил этиш муҳим ўрин эгаллайди.

Кичик бизнес субъектларининг тижорат фаолияти бизнес жараенларида маҳсулотларни сотиш ва хизматларни кўрсатиш ўзаро боғлиқлиги ушбу корхоналарни якуний натижаларини шакллантиради. Битта кичик бизнес корхонасининг тижорат фаолияти самарадорлиги тўғрисида таҳлили киладиган бўлсак, миллий иқтисодий тизимнинг янги сифатли ўсиши тўғрисида гапирган бўламиз.

Бизнес жараёнлар тузилиши кичик бизнес корхоналарининг тижорат фаолияти самарадорлигига боғлиқ бўлиб, қабул қилинган бошқарув қарорлар натижасидан келиб чиқади.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, кичик ва ўрта бизнес ривожланган иқтисодиётнинг таркибини ташкил этувчи муҳим тармоқ ҳисобланади. Унинг фаолияти нафақат йирик бизнес, балки бутун мамлакат иқтисодиётининг муваффақиятли ривожланишига бевосита таъсир этади. Бундан ташқари, ички бозорнинг истеъмол товарлари билан тўлдирилиши ва аҳолига турли хизматлар кўрсатилиши, экспорт салоҳиятининг ўсиши, аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг реал даромадларини кўпайтириш масалаларининг ечими ҳам ана шу тамоқнинг - кичик ва ўрта бизнеснинг нечоғли барқарор ривожланишига боғлиқ. Ғарб амалиётидан маълумки, кичик ва ўрта бизнес бозордаги ўзгариб турувчи вазиятга йирикларига нисбатан тезроқ мослашиб олади, янги техника ва технологияларни, янги иш ўринларини анча жадаллик билан яратиб, жорий эта олади. Уларга ташаббускорлик, ишбилармонлик ва эпчиллик руҳи ҳам хос.

Шундай қилиб, кичик инновацион корхоналарни ривожлантириш бу

маълум бир мақсадга эришиш воситаси ёки бошқа муҳит билан узвий алоқада бўлган ва ўзаро боғланган элементларнинг бутун бирикмаси (тўплами) сифатида ифодалаш мумкин. Мақсад, ўз навбатида, муаммо ечимини таъминловчи муҳитнинг хоҳишига мос ҳолати деб қаралади. Тизимнинг элементлари ўзаро маълум қонуниятлар асосида боғланган бўлади. Барча ташкил этувчиларнинг ўзаро боғланганлиги ҳамда барча таркибий қисмларининг маълум мақсадга эришишга йўналтирилганлиги тизим белгиларини билдиради.

Юқоридаги фикрлар ва таърифларни умумлаштириб, кичик инновацион корхоналар учун муҳитни қуйидагича таъриф бериш мумкин, ўзаро маълум қонуниятлар асосида боғланган объект жараён ёки ҳодасалар тўпламининг объектив бирлиги тизимдир. Бу таърифдан “кичик инновация” тушунчасини моддий ва номоддий материяга қўллаш мумкинлиги келиб чиқади.

Кичик инновация тизими хусусиятларга эга: ички бутунлик, бутун тизим хоссалари унинг ташкил этувчиларига айнан ўтмайди, шунингдек, тизимни ташкил этувчи элементлар хоссаларидан бутун тизим хоссалари келиб чиқмайди. Тизим элементлари бир неча белгилари бўйича ўзаро боғлиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун ихтиёрий тизимни маълум белги ва боғланиш қонуниятларига кўра, турлича ташкил этувчи элементларга ажратиш мумкин ёки маълум белги ва боғланиш қонуниятларига қараб объект, жараён ёки ҳодисалар тўпламини битта тизимга бирлаштириш мумкин.

Кичик инновацион тизимни ўрганишда тизимли ёндашув ва тизимли таҳлил каби тушунчалар ишлатилади: тизимли ёндашув - тизимни таҳлил қилиш методологиялари (услублари) мажмуаси бўлса, тизимли таҳлил тизимли ёндашувининг амалиётда қўлланилувчи умумлашган усулидир.

2.2. Кичик корхонада инновацион жараёнларни бошқаришни ташкил этиш амалиёти

Ҳар қандай кичик корхона раҳбарининг биринчи даражадаги вазифаси корхонада ижодий инновацион муҳитни яратиш, корхона мутахассисларини

ва ходимларини инновацион фаолиятга жалб қилиш, шунингдек, мувофиқ ташкилий ва корпоратив маданиятни рағбатлантириш, ижодий фаолият яратилишида инновацион-технологик, техник-ташкилий ўзгаришларнинг амалга оширилиши учун ташаббус кўрсатишдан иборатдир.

Бугунги кунда давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози корхоналарнинг инновацион менежменти савияси ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги даражасини янада оширишга, ҳар қандай мамлакатда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга кучайтирилган талабларни қўймоқда. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳали-бери давом этаётган оғир бир шароитда иқтисодиётимизнинг янада барқарор ривожланишини таъминлаш, уни диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш борасидаги ишларни изчил давом эттиришимиз зарур”⁵, - деб алоҳида таъкидлаган эди. Бундай улкан вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун янги технологияларни ишлаб чиқаришга қўллаш, технологик, ташкилий ва кадрлар масаласида сифат энг асосий кўрсаткич принципига амал қилишни шакллантириш зарур бўлади. Кичик инновацион корхоналарда юқори инновацион ишланмаларни, шунингдек самарали янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш қўйидаги натижаларга олиб келади:

- кичик инновацион корхоналарда қўл меҳнاتини камайтириб, иш шароитларини яхшилайд;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг узлуксизлигини ва барқарорлигини ҳамда ноишлаб чиқариш харажатларининг қисқаришини таъминлайди;
- кичик инновацион корхоналарда ишлаб чиқарилаётган бир бирлик маҳсулот ёки хизматларга сарфланадиган меҳнат, хом-ашё ҳамда материал сарфини тежайди ва камайтирди;

⁵ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир. — Т.: Ўзбекистон, 2010. — 78-б.

- ишлаб чиқариш жихозларидан самарали фойдаланишни таъминлаб беради;

- тижорат асосида инновацион ишланмаларни бошқа компанияларга ишлаб чиқаришга қўллаш учун бериш ёки сотиш келишувларини амалга оширишни таъминлайди.

Шундай экан, ҳар қандай кичик инновацион корхоналарда инновацион ишланмалар яратиш жараёнлари ва улар натижасини ишлаб чиқаришга жалб қилишни бошқариш учун қуйидагиларни бажариш керак:

- инновацион фаолиятни амалга оширишнинг режа ва дастурларини ишлаб чиқишни ташкил қилиш;

- корхонанинг янги маҳсулоти ёки хизматлар турини ва унинг технологиясининг ишлаб чиқариш дастурини яратиш;

- янги маҳсулот ёки хизматлар турини ва унинг технологиясини ишлаб чиқиш устидан назоратни ўрнатишни таъминлаш;

- инновацион фаолиятнинг инновацион кичик корхоналар тизимида амалга оширилишини координация қилиш;

- инновацион фаолиятни молиявий, меҳнат ва бошқа ресурслар билан таъминлашни амалга ошириш;

- корхоналар бошқарув тузилмасида инновацион ғоя ва ишланмаларни яратиш билан шуғулланадиган бўлим ёки бошқариш ташкил қилиш.


Инновацион менежментни ташкил қилиш корхонанинг рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришини таъминлаб, бозорда ўз мавқеига эга бўлишини белгилайди, рақобатда ютиб чиқишини ҳамда компаниянинг даромадли фаолият кўрсатиши учун замин яратади.

Кичик корхона фаолиятида инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш масалаларини ўрганганда, албатта, инновацион ишланмаларнинг турлари билан танишиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Инновациявий товарлар, ишлар, хизматлар – охирги уч йил давомида турли даражадаги технологик ўзгартиришлар асосида яратилган товарлар,

ишлар, хизматлар турларининг мажмуаси. Америкалик иқтисодчи Джеймс Брайт кайд этиб ўтганидек, бу фан, техника, иқтисодиёт, тадбиркорлик ва бошқарувни бирлаштирувчи ўзига хос жараёндир.

Инновация маълум бир белгиларига кўра таснифлаш, шунга кўра инновацияларни турларга бўлиш муҳим бўлади (1-чизмага қаралсин).



1-чизма. Кичик инновацион корхоналарда инновация турларини намоён бўлиш ҳолатлари

1-чизмада келтирилган инновацион ҳолатларни кичик инновацион корхона миқёсида узвий боғланишни таъминлаш имконияти ҳозирча юзага келган эмас. Шунга қарамай, чизмада келтирилган инновация турларини қўллаш қўламини рағбатлантириш зарур бўлади. Унда биз кичик инновацион корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулот (товар) рақобатбардошлигини таъминлашга эришишимиз мумкин бўлади.

2.3. Кичик инновацион фаолият корхоналарини молиявий рағбатлантиришга таъсир этувчи омилларни юмшатиш имкониятлари

Ҳозирги шароитда кичик инновацион фаолият юритувчи корхоналарга инвестицияларни жалб этиш келгусида уларга яратилаётган шароитларнинг муҳим омилидеб ҳисоблашимиз мумкин.

Инвестициялар қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, шунингдек, реинвестициялардир.

Реинвестициялар - инвестициялардан олинган, қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига киритиладиган ҳар қандай даромад, шу жумладан фойда, фоизлар, дивидендлар, роялти, лицензия ва воситачилик ҳақи, техник хизмат кўрсатиш учун тўловлар ҳамда бошқа шаклдаги мукофотлардир⁶.

Ҳозирги кунда ҳар бир ривожланган мамлакат иқтисодиётининг тараққий топиши, албатта инновацион инвестициялар билан боғлиқ эканлигини деярли ҳар бир мутахассис ва хўжалик юритувчи субъект яхши англаб етади. Шундай экан, бугунги кунда кичик инновацион корхоналарга инвестицияларни, хусусан хорижий инвестицияларни кенгроқ жалб этиш, уларнинг корхоналарда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг муҳим асосига айланган. Мамлакатимизни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишида инновацион инвестицияларнинг, хусусан, хорижий инвестицияларнинг аҳамияти юқори ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасда "Инвестиция тўғрисида"ги қонун 1991 йилдан бошлаб қабул қилинган. Ҳозирги кунда эса унга бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, инвестиция сиёсати такомиллаштириб келинмоқда.

Ушбу қонунда тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига хорижий инвесторлар томонидан реинвестиция тариқасида кўшиладиган даромад деганда, Ўзбекистон Республикасида инвестициялашда олинган ҳар қандай маблағ, шу жумладан фойда, фоизлар, дивидендлар, роялти, лицензия ва воситачилик ҳақи, техникавий ёрдам, техник хизмат

⁶ Ўзбекистон Республикаси "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонунининг янги таҳрири. //Халқ сўзи, 2014 йил 10 декабрь

кўрсатиш учук тўловлар ва бошқа шаклдаги мукофот пуллари тушунилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инновацион инвестиция фаолиятини амалга оширишлари чоғида уларнинг барча ҳуқуқларини кафолатлайди ва ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий асосдар ярагилган.

2016 йилда иқтисодиётимизга жалб килинган инновацион инвестициялар ҳажми 10,9 фоизга ўсди ва АҚШ доллари ҳисобида 18 миллиарддан ортиқ долларни ташкил этди. Бунда жами капитал қўйилмаларнинг 21,2 фоиздан ортиғи еки 3 миллиард доллардан зиёдини хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил қилди. Уларнинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Самарқанд вилоятида инновацион инвестиция иштирокидаги корхоналар сони 100 тага етган ҳолда, ҳозирги вақтда уларнинг 45 таси иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият юритиб келмокда. Вилоятда хорижий инвестициялар иштирокида корхоналарнинг 2015 йилда экспорт ҳажми 335276,6 минг АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилда 323384,7 минг АҚШ долларини ташкил этди. Импорт ҳажми эса 2015 йилда 430164,2 минг АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 314005,0 минг АҚШ долларини ташкил этди. Жами ташқи савдо айланмаси вилоятда 20 йилда 765440,8 минг АҚШ долларини, 2016 йилда эса 637389,7 минг АҚШ долларини ташкил этди.

2016 йилда экспорт ҳажми 2013 йилга нисбатан кам бўлса ҳам, 2016 йилда импорт ҳажми ҳам 2013 йилга нисбатан тушган, бу эса вилоятда валюта ҳажмининг тежалишига олиб келади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни киритиш орқали мамлакатимизда қуйидаги инновацион масалаларнинг ижобий ҳал этилишини таъминлаш кўзда тутилган:

- янги, замонавий техника ва технологияларни республика иқтисодиётига жалб қилиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш эса неча йиллар давомида


сифатсиз, харидор талабига жавоб бера олмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи эски техникалардан тезроқ кутулиш имконини беради;

- янги иш жойларини ташкил қилиш ва аҳолининг ишсиз қисмини иш билан таъминлаш, шу билан бирга, хорижнинг илғор бошқарув тажрибасини жорий қилиш имконини беради ва шу орқали меҳнат унумдорлиги оширилади;


- жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш эвазига мамлакатда эркин конвертация қилинадиган валютапарнинг кўпроқ кириб келишини таъминлайди.

Инновацион инвестиция тўғрисидаги қонунларнинг такомиллашиб бориши келгусида давлатимизнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда инновацион инвестиция учун қулай муҳит ва афзалликлар яратилганлиги ва унинг натижасида республикаимизда жалб этилаётган инновацион инвестициялар ҳажмининг йилдан йилга ошиб бораётганлиги давлатимиз иқтисодий салоҳиятининг барқарор тарзда тараққий этишида мустаҳкам асос бўлмоқда.


Кичик инновацион корхоналар фаолиятига таъсир этиши мумкин бўлган омилларни юмшатиш белгилари




Молиявий манбаларни тўғри тақсимлаш




Фойда солиғи ставкасини пасайтириш



Солиқ имтиёзлари кўламини доимий янгилаб туриш



Хорижий инвестицияни жалб этиш имкониятини кенгайтириш



Кичик инновацион корхона маҳсулотини экспорт қилишни рағбатлантириш

2-чизма. Кичик инновацион корхоналар фаолиятига таъсир этиш мумкин бўлган салбий ҳолатларни юмшатишга хизмат қилувчи молиявий элементлар

Ушбу ҳолатлар кичик инновацион корхоналар фаолиятини кенгайтиришда омил бўлиб хизмат қилиш мумкин. аммо кичик инновацион корхоналар фаолиятини ривожланишига тўсиқ бўлиши мумкин бўлган омилларни таъсирчанлигини юмшатиш муҳим бўлиб ҳисобланади (2-чизма).

Ушбуларни эътиборга олиш кичик корхона молиявий фаолиятини яхшилаш имконини ҳам беради.

III-Боб. Кичик инновацион корхоналарни ривожлантиришни молиявий рағбатлантириш истикболлари

3.1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлатнинг инновацион сиёсати ва уни кичик инновацион корхоналарни ривожланишини рағбатлантириш йўналишлари

Давлат инновация сиёсати инновация фаолиятини ривожлантириш ва рағбатлантиришга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми ҳисобланади, иқтисодиётда илмий ишланмалар, тажриба лойиҳа ишлари ёки бошқа фан-техника ютуқлари татбиқ этилаётган инновация фаолияти деганда янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён тушунилади. У маҳаллий маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш, барқарор иқтисодий ўсиш, аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш, мамлакатнинг мудофаа, технологик ва экологик хавфсизлигини таъминлаш учун инновация фаолияти устуворлигининг тан олинishi учун шакллантирилади ва амалга оширилади.

Бу жараён эса қуйидагилардан иборат:

- маҳаллий маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминловчи инновация фаолияти учун иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиш, фан-техника натижаларидан самарали фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларини ҳал қилиш;
- фан-техника салоҳиятини ривожлантириш, оқилона жойлаштириш ва самарали фойдаланиш, унинг тузилмасини шакллантириш;
- фан ва техниканинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, муҳим ижтимоий вазифаларни тадқиқ этиш, моддий ишлаб чиқариш соҳасида илғор тузилмавий ўзгаришларни таъминлашдаги ҳиссасини ҳамда унинг самарадорлик ва рақобатбардошлик хусусиятини ошириш;
- мамлакат мудофааси, шахс ва жамият ҳамда давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Унинг қўйилган мақсадларга эришиш учун давлат инновация сиёсатининг қуйидаги вазифаларини ҳал қилиш зарур:

- давлат инновация сиёсатининг устувор вазифаларини белгилаш ва татбиқ этиш;
- илғор тузилмавий ўзгаришларни иқтисодиётда таъминлаш;
- инновация фаолияти инфратузилмасини яратиш ва ривожлантириш;
- маҳаллий инновация маҳсулотининг халқаро бозордаги мавқеини ушлаб туриш ва ташқи иқтисодий инновация фаолиятини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- инновация фаолиятини ривожлантиришда илм-фан, таълим, ишлаб чиқариш ва молия-кредит соҳаларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;
- иқтисодиётни халқ хўжалиги ва унинг тузилмавий баланси стратегияси, мароми (темп) ва пропорциясини белгилаб берувчи бош йўналишларда ривожлантиришни барқарорлаштириш учун фан-техника салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлаш.

Давлат органларининг инновация соҳасидаги асосий функцияларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- давлат инновация сиёсатининг шаклланиши;
- давлат инновация жараёнларининг асосан инноваторларнинг муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий базасини яратиш;
- инновацияларни ва бу соҳадаги рақобатни рағбатлантириш, инновационликни таваккал суғурталаш, эскириб қолган маҳсулотни чиқарганлиги учун давлат санкцияларини киритиш;
- инновация соҳасидаги инфратузилмани шакллантиришда иштирок этиш;
- инновацияларнинг ижтимоий ва экологик йўналишларини таъминлаган ҳолда илм-фан, техника ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш;

- устувор илмий тадқиқотлар ва инновацияларга ресурслар ажратиш;
- давлат тасарруфидаги ташкилотларда инновация жараёнларини институционал таъминлаш;
- инновация ва илм-фан билан шуғулланувчи шахсларнинг ижтимоий маъқеини ошириш;
- инновация соҳаси учун кадрлар тайёрлаш;
- ҳудудларда инновация жараёнини йўлга қўйиш;
- инновация жараёнларининг халқаро аспект (жабҳа)ларини йўлга қўйиш;
- миллий инновацион тадбиркорлик манфаатларини ҳимоя қилиш.

Давлат инновация сиёсатининг асосий тамойиллари:

- маҳаллий илмий салоҳиятга таяниш;
- илмий ижод эркинлиги, илмий соҳани изчил демократлаштириш, илмий сиёсатни шакллантириш ва татбиқ этишда ошқоралик;
- фундаментал илмий тадқиқотларни ривожлантиришни рағбатлантириш;
- етакчи маҳаллий илмий мактабларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш;
- илм-фан ва техника соҳасида соғлом рақобат ҳамда тадбиркорлик учун шарт-шароит яратиш, инновация фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш;
- давлат мудофаа қобилияти ҳамда миллий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни ташкил этиш учун шарт-шароит яратиш;
- илм-фан ва таълим интеграцияси, барча даражадаги юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизимини ривожлантириш;
- тадқиқотчиларни, ташкилотлар ва давлатнинг интеллектуал мулки ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

– очик ахборотни тўсиқсиз олиш ва эркин ахборот алмашинуви ҳуқуқини таъминлаш;

– мулкчиликнинг турли шаклдаги илмий тадқиқот ва тажриба лойиҳалаш ташкилотларини ривожлантириш, кичик инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш;

– илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш учун иқтисодий шарт-шароитларни шакллантириш, мамлакат иқтисодиёти учун асосий ҳисобланган фан-техника ютуқларини тарғиб қилишга кўмаклашиш;

– илмий иш нуфузини ошириш, олим ва мутахассисларнинг яшаши ҳамда ишлаши учун яхши шароитлар яратиш;

– илм-фаннинг замонавий ютуқлари, уларнинг аҳамиятини тарғиб қилиш.

Инновация сиёсатининг асослари мамлакатдаги реал ижтимоий-иқтисодий, ва сиёсий вазиятга мос қонунчилик далолатномалари тўпламини қабул қилишдан бошланади, унда бошқарув субъектлари ва объектлари, унинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъуллиги белгилаб қўйилади.

Инновация фаолиятининг давлат томонидан бошқарилишининг ташкилий механизми барча бевосита ва билвосита манфаатдор томонлар фикрларининг ҳисобга олиниши ва бир вақтнинг ўзида инновацияларни рағбатлантириш бўйича келишилган ҳолда чора-тадбирлар қабул қилиш учун шарт-шароитлар яратишни таъминлаши керак. Инновация сиёсатининг субъектлари давлат ҳокимияти (марказий ва маҳаллий), давлат корхоналари ва ташкилотлар, мустақил хўжалик юритувчи тузилмалар, ижтимоий ташкилотлар, илмий ходимлар ва инноваторларнинг ўзлари ҳисобланадилар.

Кичик инновацион бошқаришни қайта қуришда инновацион менежментни қўллаш бўйича асосий назарий ва услубий ёндошувлар ишлаб чиқилмоқда. Ишлаб чиқаришга ривожланган мамлакатларнинг инновацион ишланмалар ва ғояларини қўллаш тажрибаси шунчаки кўчирилмасдан, балки уларнинг самарали усуллари асосида миллий иқтисодиёт учун Ўзбек модели

ишлаб чиқилиши лозим бўлади. Ана шунда инновацион менежментнинг тараққий этган ва ривожланаётган бозор иқтисодиёти шароитида компания, корхона, агентликлар, уюшмалар ва кўмиталар фаолиятига ижодий равишда тадбиқ этиш имконияти яратилади.

3.2. Инновацион фаолиятни ривожлантиришда хорижий тажриба

Бугунги кунда жаҳондаги барча мамлакатлар учун инновацион муҳитни шакллантириш, доимий равишда маҳсулотни янгилаш, ишлаб чиқариш фондларини янги техника асосида янгилаш, умумжамиятни ривожлантириш жуда ҳам муҳимдир. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ҳозирда инновация яратиш, интеллектуал билимларни сотиш ёки сотиб олиш жуда ҳам ривожланган фаолиятдир. Бунинг орқасидан улар жуда катта фойдага эришмоқдалар, дунёда ўзларининг етакчилигини янада ҳам мустаҳкамламоқдалар. Табики савол туғилади инновация уларага нима бермоқда?

Биринчидан улар янгилик яратиш орқали маҳсулотларнинг сифат ва қулайлик жиҳатидан бошқалардан устунликка эришмоқдалар.

Иккинчидан маҳсулот таннархини пасайтириш орқали маҳсулотларини бошқа рақобатчиларга қараганда кўпроқ сотиш имко ниятига эга бўлмоқда.

Учинчидан мамлакатга валюта кириб келишини таъминламоқда.

Бу жиҳатлар энг асосий жиҳатлар бўлиб, биз бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Бу борада яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида “Бу ўринда гап фақат экспорт ҳажмининг ўсиш кўрсаткичлари ҳақида бораётгани

йўқ. Кун тартибида ўта жиддий масалалар турибди. Булар – мамлакатимизда яратилган технологияларнинг рақобатдошлигини таъминлаш, “ноу-хау” намуналарини яратиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, яъни юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширишдир”⁷ деб таъкидлаганлари янгилик, инновация жараёнини Ўзбекистонда янада ривожлантириш канчалар муҳимлигини ифодалаб турибди. Бундан ташқари Президентимизнинг 2017 йил 7-февралдаги фармонида кўра 2017-2021 йилларда: “илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш ҳаракатлар стратегиясига киритилди”⁸.

Юқоридаги Президентимизнинг фикрлари ҳам бугунги кунда Ўзбекистон учун инновация - янги техника ва технология ва бошқа инновацион янгиликлар нақадар муҳимлигини, зарурлигини исботлаб турибди. Яъни ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида барча соҳаларни мунтазам модернизация қилиш замон талабидир. Уларсиз яхши натижаларга эришиб бўлмайди. Ушбу жараённинг долзарблигини англаган ҳолда мустақилликдан сўнг малакатимизда қатор ишлар амалга оширилди ва бу жараён давом этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2006 йил 7 - августдаги “Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида ПҚ-436- сонли қарори қабул қилинди. 2008 йил

⁷ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб -интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Халқ сўзи, 2017 йил, 16 январь.

⁸ “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони Lex.uz

15 июлда эса “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-916-сонли қарори қабул қилинди ва ушбу ҳужжатга мувофиқ ҳар йили республика инновация ярмаркалари ўтказиб келинмоқда. Биринчи Президентимизнинг “2010 йил 30 июлдаги фармойиши, унга мувофиқ 2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасининг саноатини ривожлантиришнинг устуворликлари дастурини ишлаб чиқариш кўзда тутилган эди. Дастурнинг асосий вазифаси фан сиғими юқори инновацион технологияларни корхоналардаги анъанавий технологияларда ҳам, фан сиғими юқори ишлаб бўлган янги ишлаб чиқаришларни жорий этиш йўли билан ҳам саноат замонавий илм фан ютуқларини жорий этишдан иборатдир”⁹.

Мамлакатимизда ушбу қабул қилинган қарор ва фармойишлар натижасида аста - секинлик билан инновацион муҳит ривожланиб бормоқда.

Масалан эътибор қаратадиган бўлсак ҳозирда мамлакатимизда инновацион соҳалар ва шу қаби йўналишлар учун алоҳида имтиёзлар жорий этилган. Инновацион лойиҳалар билан шуғулланаётган илмий муассасаларга солиқ имтиёзлар тақдим этилган, шуниси ҳам муҳимки, бундай мақсадларга йўналтирилган маблағлар ягона ижтимоий тўловдан ташқари барча тўловлардан озод этилган. Агарда илгари илмий ташкилотлар давлат илмий-техник топшириқларни бажариш доирасидагина преференцияларга эга бўлиб, хўжалик шартномалари асосидаги ишларга бу имтиёзлар қўлланилмаган бўлса, янги низомга мувофиқ корхоналар буюртмасига кўра хўжалик шартномалари асосидаги тадқиқотлар олиб борадиган муассасалар ҳам 2013 йилгача 5 йил муддатга қадар солиқлардан озод қилинган¹⁰. Бундан ташқари республикаимизда ишланган инновацион лойиҳа, тажриба – конструкторлик ишларини намоиш қилиш учун мунтазам Республика ва халқаро миқёсдаги

⁹ Ҳамраева С. Инновацион ривожланиш: хориж тажрибаси. Бозор, пул ва кредит 11-сон 40-6 2016 й

¹⁰ <http://tridantus.uz>

кўргазмалар ўтказилмоқда. Шундай кўргазмалардан бири 2013-йилда ўтказилган инновацион ярмарка бўлиб бу ярмаркада жами 527 та ноёб маҳаллий инновацион ишланмалар тақдим этилган, уларнинг 353 таси янги, олдинги ярмаркаларда намоёиш этилмаган; -74 таси олий ўқув юрталари талабаларига ва «Келажак овози» республика танлови ғолибларига тегишлидир. Энг кўп лойиҳалар қуйидаги 5 та мавзу йўналишлари бўйича тақдим этилди: саноат – 136 та экспонат, қишлоқ хўжалиги – 95 та, фармацевтика ва соғлиқни сақлаш – 78 та, ахборот технологиялари – 31 та, таълим ва фан – 13 та. Ярмаркада жами 17,19 млрд. сўм ҳажмида 413 та шартнома имзоланди. Шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Фанларакадемияси 11 та илмий муассасалари инновацион маҳсулот истеъмолчилари билан 7,1 млрд.сўмга яқин 136 та хўжалик шартномаларини имзоладилар¹¹.

2016 йил 12-13 май кунлари «Халқаро Ҳамкорлик Маркази» АК Халқаро бизнес марказида Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги билан Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) ҳамкорлигида "Инновация ва интеллектуал мулк" мавзуида халқаро семинар ўтказилди. 2016 йилнинг бошида Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг "Ихтирочилик учун" медали ва "Интеллектуал мулк соҳасидаги энг яхши корхона" мукофотини бериш учун танлов эълон қилинган эди. Анжуман якунида танлов ғолиблари Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан "Ихтирочилик учун" медали ва "Интеллектуал мулк соҳасидаги энг яхши корхона" мукофоти билан тақдирландилар.

Ушбу қилинган амалий ишлар албатта ўз натижасини бермоқда. Агар биз буни халқаро миқёсида қарайдиган бўлсак бу қилинган ишлар етарли эмаслигини кўришимиз мумкин. Ҳар йили дунёда инновация яратиш бўйича рейтингни эълон қилиб борадиган халақаро "GII" (Global Innovation Index) ташкилоти 2016 йил натижалари бўйича қуйидагиларни эълон қилди:

¹¹ <http://tridantus.uz>

Инновация яратиш бўйича дастлабки ўнлик мамлакатлари¹²

Мамлакатлар	Эгаллаган ўрни	Минтақа
Швейцария	1	Европа
Швеция	2	Европа
Буюк Британия	3	Европа
АҚШ	4	Шимолий Америка ва Кариб денгизи
Финляндия	5	Европа
Сингапур	6	Жанубий Осиё ва Океания
Ирландия	7	Европа
Дания	8	Европа
Голландия	9	Европа
Германия	10	Европа

Жадвалдан маълумки Швейцария, Швеция ва Буюк Британия дастлабки учликни эгаллаб турибди. Бу давлатларда инновация яратишга бўлган муҳит жуда яхши йўлга қўйилган. Бу борада Осиёнинг етакчи мамлакатларига қарайдиган бўлсак натижалар қуйидагича:

Инновация яратиш бўйича Осиёнинг етакчи мамлакатлари¹³

Мамлакатлар	Эгаллаган ўрни
Ҳиндистон	66
Қозоғистон	75
Эрон Ислом Республикаси	78

Ушбу мамлакатларда ҳам инновация яратиш ўзига хос хусусият касб этган ҳолларда мунтазам ривожланиб бормоқда. Масалан Ҳиндистон умумий

¹² http://vvv.vipo.int/yedoks/pubdoks/yen/vipo_pubgii_2016


¹³ http://vvv.vipo.int/yedoks/pubdoks/yen/vipo_pubgii_2016

индекс ҳисобида 66 – ўринни эгалласада Олий ўқув юртлари ва илмий нашрлар бўйича жаҳонда биринчинчи ўринда туради. Аммо ушбу мамлакатлар ичида Ўзбекистоннинг йўқлиги, жаҳон миқёсида инновацион ишланма, лойиҳаларни яратишда ҳали бир оз оқсаётганимизни исботламоқда.

Агар баъзи кўрсаткичларга эътибор қаратадиган бўлсак мамлакатимизда фаолият юритаётган 230 га яқин илмий тадқиқот ва тажриба – конструкторлик муассасаларидан атиги 10% га яқини инновация фаолияти билан шуғулланыпти¹⁴.

Албатта бундай кўрсаткичлар юқорида айтиб ўтган оқсашларнинг сабабларидан бири бўлмоқда. Барча ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда инновацияни янада такомиллаштириш, бўйича қуйидаги таклиф ва тавсияларимизни бермоқчимиз:

Биринчидан, авваламбор, мамлакатда кучли инновацион муҳитни шакллантириш керак, яъни янги босқичга олиб чиқиши керак. Бунинг учун эса қуйидагиларга эътибор бериш лозим **(3-чизма)**



3-чизма. Таклиф қилинаётган тадбирлар

Иккинчидан инновацион лойиҳаларни реал бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш керак. Масалан бунинг учун корхоналар аҳоли

¹⁴ Назарова Г. Инновацион фаолиятни рағбатлантириш: кичик бизнес. //Молия. 2016 йил. 4-сон. - 126-б.

ҳозирда нимадан қийналяпти? ёки аниқ маҳсулот тури бўйича камчилк нимада? каби саволларга жавоб излаган ҳолда мавжуд ҳолат бўйича оддий бўлсада янги ишланма ишлаб чиқиш.

Учинчидан эса шундай талабларни қондирадиган тадбиркорларни кўпайтириш керак яъни инновацион тадбиркорликни ривожлантириш лозим.

Инновация бу кўпгина иқтисодий муаммоларни ҳал қилишнинг оқилона ечимидир. Инновация ривожланган сари нафақат бир мамлакат даражасидаги муаммони балки глобал даражадаги муаммони ҳам ҳал қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳозирда барча ривожланган мамлактлар инновацияга катта эътибор қаратмоқда. Биз инновация ёрдамида осонгина сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва таннархда ҳам қулайликка эришиб экспорт ҳажмини анчагина оширишимиз мумкин. Бу эса мамлактга валюта кириб келишини таъминлайди, натижада мамлактда миллий валютанинг ўз ўзидан обрўси барқарорлигини таъминлайди.

3.3. Кичик инновацион корхоналарни ривожлантиришда инвестиция омилларидан фойдаланишнинг истиқболлари

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва қайта жиҳозлаш кенг амалга оширилмоқда. Айниқса, иқтисодиётнинг ёқилга-энергетика мажмуи, рангли ва қора металлургия, кимё ва нефть кимёси, енгил саноат, қурилиш материаллари саноати, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация инфратузилмаси каби етакчи тармоқларини барқарор ва мутаносиб равишда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунда уларнинг бошқа соҳалар билан боғлиқ муаммоларини тўлиқ ҳал этиш, тармоқ ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдйланиш ва янада ўстириш мақсадида турли муддатларга мўлжалланган мақсадли Дастурлари ишлаб чиқилиши ва изчил амалга оширилиши ўз самарасини

бермоқда. Ҳозирда 2017 йил охиригача амалга оширилиши мўлжалланган нефть-газ, кўмир саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик қайта таъмирлаш дастурларининг сўнгги босқичлари давом эттирилмоқда. Умуман, мамлакатимиздаги 2017-2021 йиллар мобайнида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш зарур бўлади.

Ўзбекистон кичик корхоналарида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатидан қайта жиҳозлаш чора-тадбирларини амалга ошириш турли вовиталар ва йўналишлар бўйича давлат томонидан қўллаб-қувватлаб келанмоқда. Жумладан:

- фойда солиғи бўйича солиққа тортиш базасини 3 йил мобайнида камайтириш ҳуқуқи берилиши;
- ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси 5 йил мобайнида янги харид қилинган асбоб-ускуналар қийматига камайтирилиши;
- мол-мулк солиғидан 5 йил муддашга озод этилиши;
- лойиҳаларнинг дастлабки техник-иқтисодий асосланиши бўйича тайёрланган узоқ муддатли асбоб-ускуналарни харид қилишга аванс маблағлари ажратилиши имконияти;
- хорижий инвесторларга қўшимча имтиёзлар тақдим этган ҳолда лойиҳаларни амалга оширишга жалб этишга кўмаклашиш;
- технологик асбоб-ускуналарни олиб киришда кўзда тутилган божхона тўловларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда қуриб бориш;
- энергия ташувчиларнинг барча турлари ҳамда коммунал хизматларнинг асосий турларига нархлар ошишини чеклаш;
- ҳукумат томонидан тижорат банкларига мақсадга ресурслар ҳисобига имтиёзли кредитларни тақдим этиш ва бошқалар.

Бу каби имтиёзлар ва қулайликлар яратилиши иқтисодиётни модернизациялаш жараёнларида инвестициялар иштирокини рағбатлантириб,

уларнинг ҳажми аҳамиятли даражада кўпайишига олиб келди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, иқтисодийни модернизациялаш, унда муҳим таркибий силжишларни амалга ошириш, турли даражалардаги хўжалик фаолиятининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини яхшилашда инвестициялар энг асосий восита ҳисобланади. Айниқса, ривожланишнинг инновацион турига ўтилаётган ҳозирги шароитда мамлакатимизда хўжалик субъектларининг рақобатбардошлик даражасини ошириш асоси сифатида инновацион ишланмаларга инвестицияларни жалб этишга эътиборни кучайтириш тақозо этилади.

Кичик корхоналар фаолиятини инновацион салоҳиятини ошириш мақсадида республикамиз корхоналарида амортизация ажратмалари, соф фойда ва буюртмачилардан мақсадли тушумларнинг бир қисми ҳисобига янги технологиялар ва модернизациялаш фондларини яратиш; тармоқлар ва корхоналарни инновацион ривожлантириш бўйича таркибий бўлинмалар ва лойиҳа-конструкторлик бюроларини ташкил этиш; ўқув, илмий-тадқиқот муассасалари ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларини амалий илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажариш қисми бўйича давлатнинг мақсадли фондларига 2012 йил 1 январига қадар фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, ҚҚС ва мажбурий тўловларни тўлашдан озод этиш; илмий-тадқиқот муассасалари учун асбоб-ускуналарни божхона тўловларидан озод этиш каби муҳим чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Айни пайтда модернизациялаш жараёни жадаллашган ҳамда инновациялар кучайган шароитда кичик корхоналар фаолиятига жалб этилаётган инвестицияларнинг таркиби ва сифатини такомиллаштириб бориш асосий шартлардан бири сифатида намоён бўлади. Бу ҳолат давлатнинг инвестицион стратегиясида ҳар томонлама ҳисобга олинган бўлиши лозим.


Давлатнинг иқтисодий сиёсатнинг муҳим таркибий қисми сифатидаги инвестицион стратегияси мишшй иқтисодийдаги капитал кўйилмалар ҳажми, таркибий тузилиши, йўналишини, шунишдек инвестициялардан фойдаланиш

манба ва йўналишларини аниқлаб беради. Бу эса мамлакат иқтисодиётини модернизациялашнинг устувор йўналишларида. инвестиция ресурсларидан максимал фойдаланишни таъминлайди. Шунингдек, инвестицион стратегия мамлакатдаги инвестиция муҳити, инвестицион салоҳият ҳамда шу омиллар орқали белгиланувчи инвестицион жозибадорликнинг ҳолатига таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётни модернизациялашда инновацион ривожланишни жадаллаштириш шароитида кичик корхоналарни инвестицион фаолиятини янада кенгайтириш, энг аввало, мазкур жараённинг табиати ва ривожланиш тавсифи билан боғлиқ шарт-шароитларни тақозо этади. Булар жумласига инвестицияга оид инфратузилма муассасаларининг ривожланганлик даражаси мамлакат ва унинг турли ҳудудларидаги инвертицион муҳитнинг жозибадорлиги; инвестиция билан боғлиқ хавф-хатарлар; мамлакатдаги хорижий ва миллий инвесторлар фаолиятини тартибга солувчи самарали меъёрий-ҳуқуқий база мавжудлиги; инвестиция жараёнларини тартибга солувчи давлат муассасаларининг роли кабиларни киритиш мумкин.

Айни пайтда, кичик корхоналар фаолиятини модернизациялаш ва инновацион ривожланишни жадаллаштиришда инвестициялардан самарали фойдаланиш асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар, жумладан, иқтисодий ўсиш суръатлари ва сифати, истеъмол ва жамғарма ўртасидаги нисбатлар, иқтисодиётнинг тармоқ тузилишидаги муҳим таркибий силжишлар ва бошқа омилларга боғлиқ. Бунда шунингдек, инвестиция омилига таянган ҳолда модернизациялашнинг юқори суръатларига эришиш учун давлат ва хусусий сектор хатти-ҳаракатларининг мувофиқлигини таъминловчи муассасалар тизими зарур.

Ўзбекистонда ЯИМ динамикаси ва асосий капиталга киритилган инвестициялар¹⁵ (ўсиш суръати, олдинги йилга нисбатан фоизда)



Инвестиция фаолиятига баҳо беришда ялпи ички маҳсулот ва инвестицияларнинг ўсиш суръатларини ўзаро таққослаш муҳим ҳисобланади.

Кейинги йилларда республикада амалга оширилаётган инвестиция маблағларининг таркибий тузилишида ҳам сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Инвестиция жараёнларини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида инвестиция ҳажми сезиларли даражада ортиб бормоқда. Жумладан, 2016 йилда иқтисодиётни ривожлантириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан 453,9 миллиард АҚШ доллари микдорида инвестиция жалб этилиб, олдинги йилдагига нисбатан ўсиш суръати 121,6 фоизни, ялпи ички маҳсулотга нисбатан инвестициялар ҳажми 23 фоизни ташкил этди (3-

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

жадвал).

3-жадвал

**2015-2016 йилларда Самарқанд вилоятига киритилган инвестициялар¹⁶,
млн. сўмда**

т/р	Кўрсаткичлар	2015 йил	2016 йил	2015 йилга нисбатан, %да
1	Марказлаштирилган инвестициялар	373125,4	453896,5	121,6
1.1	Бюджет маблағлари	62659,9	153792,7	245,4
1.2	Бюджетдан ташқари фондлар мблағлари	231327,8	200306,7	86,6
1.3	хукумат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар	35864,3	52671,1	146,9
1.4	Бошқа манбалар	43273,4	47126	108,9
2	Марказлаштирилмаган инвестициялар	2393993,7	2908300,4	121,5
2.1	Корхоналарнинг ўз мблағлари	610594,9	707938,2	115,9
2.2	Тижорат банклари кредитлари	368051,6	331785,7	90,1
2.3	тўғридан тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	29385,8	107139,3	364,6
2.4	Аҳоли маблағлари	1331643,5	1750363,8	131,4
2.5	Бошқа манбалар	54317,9	11073,4	20,4

Марказлашган инвестициялар таркибида бюджет маблағлари аҳамиятли
еалмоқни ташкил этмоқда. Буни аксарият бозор тузилмаларининг етарли

¹⁶ Самарқанд вилоят ҳокимлиги Худудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармаси
маълумотлари

даражада ривожланмаганлиги шароитида миллий иқтисодий ва ижтимоий модернизациялаш муаммоларини (ишлаб чиқариш фондлари, инфратузилма тармоқларини янгилаш, таълим ва соғлиқни сақлашнинг ривожланиш даражасини ошириш, пенсия тизими муаммолари) ҳал этишда давлат мрблагларидан фойдаланиш зарурлиги орқали изоҳлаш мумкин.

Айни пайтда, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, инновацион жараёнларни жадаллаштириш муаммоларини ҳал этишда инвестицияларга давлат бюджети сарфларининг оқилона нисбатларини белгилаш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Чунки, давлатнинг бош ислохотчилик роли тамойилининг амал қилиши ўз навбатида мамлакатдаги иқтисодий модернизациялаш ва инновацион ривожлантириш жараёнларига татбиқан ҳам самарали қулланиши лозим. Зарур ҳолларда, стратегик жиҳатдан муҳим лойиҳаларни амалга оширишда давлатнинг бевосита иштироки ижтимоий-иқтисодий самарадорлик ҳамда иқтисодийнинг мутаносиб ривожланишини таъминлаш нуктаи назаридан энг самарали йўл ҳисобланади.

Кичик корхоналар фаолиятини янада ривожлантиришда иқтисодийнинг техникавий базасини модернизациялаш муҳим ўрин тутиб, кейинги йилларда ўзлаштирилаётган барча инвестицияларнинг тахминан 50 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашга йўналтирилмоқда.

Кичик корхоналар фаолиятини модернизациялаш ва инновацион ривожлантириш жараёнларида инвестиция омилидан фойдаланишда тижорат банкларининг иштирокини кенгайтириш бориш муҳимдир. Аксарият ҳолларда, мазкур мақсадлар учун тақдим этилувчи кредит фоиз ставкаларининг юқорилиги, кредит ресурслари миқдорининг камлиги, кредитлашнинг қисқа муддатлари корхона ва ташкилотларнинг тижорат банклари хизматидан фойдаланишига тўсқинлик қилиши мумкин. Бироқ, ҳукуматимиз ва Марказий банкнинг бу борадаги мақсадга мувофиқ иқтисодий сиёсати тижорат

банкларининг инвестиция жараёнларидаги фаол иштирокларини таъминлашга қаратилганлиги амалда тобора яққолроқ намоён, бўлмоқда.

Иқтисодиётга инвестицияларнинг жалб этилишини таъминлашда улар тармоқ ва соҳалар бўйича ишлаб чиқариш ҳамда капитал қўйилмалар рентабеллиги даражасига боғлиқлигини назардан қочирмаслик лозим. Чунки, бундай боғлиқлик пировардида хорижий ва миллий капитални таксимлашда тармоқлар бўйича номутаносибликлар чуқурлашувига олиб келиши мумкин. Айниқса, экспортта йўналтирилган тармоқлар бўйича белгиланган имтиёз ва қулайликлар капитал қўйилмалар рентабеллик даражасининг аҳамиятли равишда ошиши ҳамда инвестициялар мазкур тармоқларда тўпланишига сабаб бўлади. Шунга кўра, фикримизча инвестицияларнинг тармоқ ва соҳалар бўйича мутаносиб равишда таксимланиши ҳамда улар бўйича рентабеллик даражаси асоссиз равишда кескин табақалашувига йўл қўймаслик борасида доимий чора-тадбирлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Бундай тадбирлар хорижий ва миллий инвестицияларнинг мамлакат минтақалари бўйича мутаносиб равишда таксимланишини ҳам назарда тутиши лозим.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва инновацион ривожланишни жадаллаштиришда инвестиция омилидан фойдаланишни янада кенгайтиришда мамлакатимизда қуйидаги чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- модернизациялаш ва инновацион ривожланишни таъминлашга хизмат қилувчи ишлаб чиқариш ва техник-технологик жараёнларга инвестициялар киритишни рағбатлантирувчи иқтисодий восита ва дастаклар ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этилиши;

- хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик стратегиясини, ўзаро фойдали кооперация алоқаларини янада кучайтириш;

- мамлакатимиздаги инвестиция муҳити, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқ, компания ва ташкилотларининг инвестицион имкониятлари тўғрисидаги маълумотларни кенг тарғиб этиш;

- автомобиль ва темир йўллар, транспорт, алоқа, электр энергияси ва бошқа турдаги ишлаб чиқариш инфратузилмаси соҳасидаги, ҳамкорликдаги инвестицияларни амалга оширишни фаоллаштириш ва бошқалар.

Бундай йўналишлардаги чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши пировардида хорижий ва миллий инвестиция ресурсларидан иқтисодиётни модернизациялаш ва инновацион ривожлантириш жараёндарида янада кенгроқ фойдаланиш учун имкон яратади.

**IV Боб. «Қўшработ туман ишлаб чиқариш корхонаси» МЧЖда ҳаёт
фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари**
4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти

Ватанимиз миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллиги, қудратли интеллектуал салоҳиятининг юксак бўлишида сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида, аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутди, шунинг учун ҳам бу соҳа миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов мазкур масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бериб, республикамиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли хил офатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб алоҳида таъкидлаб келмоқдалар.

Олдинги асрда икки қарама-қарши сиёсий қарашларнинг бир-бирига фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат замонавий қирғин қуроллари ва ҳужумкор воситалардан ҳимояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозирги вақтда фуқаро муофазаси янги ижтимоий-иқтисодий зарурият асосида шаклланимоқда, мамлакатимизни ва аҳолини турли фалокатлар ва алоқатлардан сақлаш уларнинг меҳнатини, яшашини муҳофаза этиш руҳида тарбиялашга йўналтирилмоқда.

Шунинг учун фуқароларни турли бўладиган таъсирлардан сақлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланса, худди шундай бизнинг ўлкамиз табиий офатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини ва ҳ.к.) бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар ва экологик мувозанатни бузилиши натижасида унинг оқибатларидан, фуқаролар меҳнат муофазасини, халқ хўжалиги тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, зарар кўрган ҳудудларда

кутариш – тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун хос бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш натижасидагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий, маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга еришиш мумкин.

Инсон ва табиат жамият ўртасидаги муносабатда ҳам, инсон табиатнинг қонунлари ва ундан келиб чиқадиган кўпгина ҳодисаларнинг олдида жамиятларнинг ўртасида ёки бошқа сабаблардан келиб чиқадиган вазиятларда ҳозирда инсон ожизлик қилиши мумкин.

4.2. «Қўшработ туман ишлаб чиқариш корхонаси» МЧЖ ходимлари ходимлари меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларини излаб топиш, меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш касб касалликлари ва захарланишларнинг олдини олишда, шунингдек уларни камайтиришда, ишга қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли, нохуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий кўриқдан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичида муҳим ўрин тутди.

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишда уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси(ФМ)¹⁷ кучларини ва аҳолини ФМ вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларда тузилмаларга кирган фуқароларнинг аниқ ва

¹⁷ Фуқаро муҳофазаси кейингиларда-ФМ

тартибли ҳаракатлари, турли хил жихозлар, асбоб-ускуналар, техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

ФМнинг амалий машғулотларини замон талабларига мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонидан қўлланиладиган замонавий қурол воситаларидан, шунингдек, ҳудудимизда кузатиладиган табиий офатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалар оқибатларидан муҳофаза қилиш, одамларда маънавий-ижтимоий психологик сифатларни тарбиялаш, объектларни узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, қутқарув ва тиклов ишларини ошириш бўйича билимларини, қобилиятларини ошириш имконини беради.

Ёнғин халқ хўжалигига катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут ёки соат ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ҳамда газлар атмосферага кўтарилиб, ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кураш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усуллари мехнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо қилади.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкани кўз қорачиғидай сақлаши, асраб авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун корхоналарда ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суянган ҳолда олиб борилади. Ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Касбий ёнғин муҳофазаси ўз навбатида ҳарбийлаштирилган (йирик шаар ва муҳим объектларга хизмат кўрсатади), ҳарбийлаштирилмаган (туман марказлари ва йирик саноат объектларига хизмат кўрсатади) ва тармоқ (айрим бирлашма ва корхоналарга хизмат кўрсатилади) турларига бўлинади.

Ёнғин хавфи кам бўлган ҳамда кичикроқ корхона ва муассасаларда

ёнғин муҳофазаси ва объектни қўриқлаш хизмати биргаликда қўшиб олиб борилади. Корхоналарда ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш ва ёнғин чиқишини огоғлантириш ўт ўчириш техникаси ҳамда қуролларини алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнғин чиққан тақдирда уларни ўчиришда фаол қатнашиш, хал мулкани асраб-авайлаб сақлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Омборхона, устахоналардаги ёнғин хавфсизлиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб турган кишилар зиммасига юклатилади.

Республикамизда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги объектларининг ёнғин муҳофазасини мустакамлаш учун ёнғинга қарши кураш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнғиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;

- иккинчидан, объектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойларда ёнғинни ўчиришни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғинга арши кураш бошқармасининг вазифаси давлат мулкани, фуқаролар шахсий мулкани ёнғиндан салашдан иборат, шу билан бирга ёнғин назорати ташкилотлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- Ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнғин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;

- саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойиҳалаш, қуришда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларининг бажарилишини текшириш;

- Ҳамма ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлинмаларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини каттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш.

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати ташкилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча саноат бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналар ва уйларни текшириш;

- корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан объектларнинг ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

- ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда корхона раҳбарларига ана шу бузилишларни бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;

- ёнғин ва портлаш хавфини юзага келтирувчи оида бузқилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этилгунга қадар корхонанинг ишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш;

- ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчи-хизматчилар ўз иш ўрнидаги ёки ўзи ишлайдиган бўлинмадаги ёнғин хавфсизлиги талабларини яхши билишлари ва уларга қатъий амал қилишлари, ўт ўчириш воситаларидан фойдалана олишлари, меҳнат ҳамда технология интизомига қатъий риоя қилишлари, ёнғин ҳамда портлаш жиҳатидан хавфли модда ва ашёларни ишлатишни билишлари зарур.

Ҳар қандай объектда ёнғинни муваффақиятли ўчириш учун ёнғинга қарши курашиш тадбирларини олдиндан амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Корхоналардаги ёнғинларнинг ҳарактерли хусусиятларидан бири шуки, ёнғиннинг бошланишида ҳарорат тез кўтарилади ва қуюқ тутун ажралиб

чиқади. Масалан, аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги тўқимачилик корхоналарда 0,35-0,65 м/мин. бўлса, чанг ва момиқ юзаларга тўпланиб қолган ҳолларда 1-2 м/мин. ни ташкил этади. Таҷрибаларнинг кўрсатишича корхона цехларида аланга майдонининг тарқалиш тезлиги 8-12 м²/мин. ни ташкил этади.

Бунинг оқибатида ёнғинни бошланғич давридаёқ ўчириш имкони бўлмайди. Шу билан бирга бу шароит кишиларни эвакуатсия қилиш ишини, ўт ўчириш бўлимларининг фаолиятини қийинлаштиради. Агар ўтни ўчириш бўйича самарали тадбирлар зудлик билан амалга оширилмаса, ёнғин тезда ривожланиб, катталашиб кетади.

Буларнинг ҳаммаси корхонани ёнғинга қарши ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга мажбур қилади. Бу тайёргарликнинг асосий шартларидан бири ёнғинни ўчириш бўйича тезкорлик билан режа ишлаб чиқишдир. Бунинг учун шароитни ҳисобга олган ҳолда, бўлиши мумкин бўлган энг мураккаб ёнғин кўзда тутилади ва унинг асосида воситалар ва кишилар сони ҳисоблаб чиқилади.

Тезкорлик билан тузилган режа чизма ҳамда матндан иборат бўлади. Чизма қисмида корхонанинг асосий ишлаб чиқариш биноси ва унга ёндошган ёрдамчи бинолар, йўллар ва сув манбаларининг биргаликдаги схемаси кўрсатилади. Режада ўт ўчириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча сув манбалари, улар билан бино орасидаги масофалар кўрсатилиши ва ўт ўчириш бўлимлари ўз насосларини қайси сув манбаига ўрнатишлари ҳам кўрсатилиши керак. Зарур бўлса, кўп қавақтли биноларда ҳар бир қавақтнинг режаси ва унинг қирқими илова қилинади. Бу режа барча зарурий ахборотлар билан таъминланиши лозим.

Режанинг матн қисмида шу бинонинг ўзига хос хусусиятлари, ёнғин пайтида одамларни эвакуатсия қилиш, моддий бойликларни сақлаб қолиш, келаётган ўт ўчириш бўлимларининг еркин ҳаракат қилишлари ва қутқарув ишларини амалга ошириш тадбирлари кўрсатилади. Режада ўт ўчириш

штабига корхона маъмурияти вакиллари жалб қилиш кўзда тутилади. Бунда ёнғин пайтида ўт ўчириш штабига жалб қилинган ҳар бир раҳбар нима қилиш аниқ ва тўлиқ ёзиб чиқилади.

Саноат корхонасининг ёнғин жихатидан хавфсизлиги корхона ҳудудида бинолар, автомобил йўллари, термийўлларнинг оқилона жойлаштирилишига, сув резервуарлари, ўт ўчирувчилар депосининг мавжудлиги ҳамда жойлашувига кўпроқ эътибор берилади.

Корхонанинг бош режасида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларнинг жойлашуви шамол йўналишининг қўлдастасига асосан лойиҳаланади. Корхона ҳудуди энг яқин тураржой даҳасига нисбатан шамолга тескари томонда жойлаштирилади. Ёнғин жихатидан энг хавфли бино ва иншоотлар ҳам корхонанинг бош режасида шу нуқати назар асосида, бино ҳамда иншоотларнинг гуруҳланишини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ва ёнғин хавфи белгиларидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилиши лозим.

4.3. «Қўшработ туман ишлаб чиқариш корхонаси» МЧЖда фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари

Фавқулодда вазият (ФВ)¹⁸ — маълум ҳудудда юз берган фалокат, ҳалокат ва бошқа турдаги офатлар натижасида кишиларнинг ўлимига, саломатлигига, теварак атрофдаги табиий муҳитга сезиларли моддий зарар этказувчи, одамларнинг турмуш шароитини бузилишига олиб келадиган ҳолатдир.

Фавқулодда вазиятлар хавфнинг тарқалиш тезлигига кўра, қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) тасодифий ФВ — ер силкиниши, портлаш, транспорт воситалардаги авариялар ва бошқалар;

б) шиддатли ФВ — ёнғинлар, заҳарли газлар отилиб чиқувчи

¹⁸ Фавқулодда вазият кейингиларда-ФВ

портлашлар ва бошқалар;

в) мўтадил (ўртача) ФВ — сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиб чиқиши, радиоактив моддалар оқиб чикувчи авариялар ва бошқалар;

г) равон ФВ — секин-аста тарқалувчи хавфлар: қургоқчилик, эпидемияларнинг тарқалиши, тупроқнинг ифлосланиши, сувни кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва бошқалар.

Фавқулодда вазиятлар яна тарқалиш миқёсига (шикастланганлар сонига ҳамда моддий йўқотишлар миқдорига қараб) кўра 4 гуруҳга бўлинади:

1 Локал (объект миқёсидаги) ФВ;

2 Маҳаллий ФВ;

3 Республика (миллий) ФВ;

4 Трансчегаравий (глобал).

Локал Фавқулодда вазият — бирор объектга тааллуқли бўлиб, унинг миқёси ўша объект ҳудуди билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ бўлмаган одам жабрланган ёки 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият павдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади. Бундай ФВ оқибатлари шу объект кучи ва ресурслари билан тугатилади.

Маҳаллий тавсифдаги Фавқулодда вазият — аҳоли яшайдиган ҳудуд (аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят) билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ, бироқ 500 дан кам бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 0,5 миллион бараваридан кўп бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади.

Республика (миллий) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда — Фавқулодда вазият натижасида 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар ФВ пайдо бўлган кунда энг кам

ойлик иш хақи миқдорининг 0,5 миллион бараваридан ортиғини ташкил этадиган, ҳамда ФВ минтақаси вилоят чегарасидан ташқарига чиқадиган, республика миқёсида тарқалиши мумкин бўлган ФВ тушунилади.

Трансчегаравий (глобал) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда эса, оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган ёхуд ФВ чет элда юз берган ва Ўзбекистон ҳудудига дахлдор ҳолат тушунилади.

Эпидемия — одамларнинг гуруҳ бўлиб юқумли касалланиши, уларнинг захарланиши (захарли модда билан ҳамда озиқ-овқатдан оммавий захарланиш); эпизоотия — ҳайвонларнинг оммавий касалланиши ёки нобуд бўлиши; Эпифитотия эса ўсимликларнинг оммавий нобуд бўлишидир.

Техноген тусдаги Фавқулодда вазиятларга 7 хил турдаги вазиятлар киради:

1) Транспортлардаги авариялар ва ҳалокатлар — экипаж аъзолари ва йўловчиларнинг ўлимига, ҳаво кемаларининг тўлиқ парчаланишига ёки қаттиқ шикастланишига ҳамда қидирув ва аварияқидирув ишларини талаб қиладиган авиа ҳалокатлар;

Ёнғинга, портлашга, ҳаракатланувчи таркибининг бузилишига сабаб бўлган ва темир йўл ходимларининг ҳалокат ҳудудидаги темир йўл платформаларида, вокзал биноларида ва шаҳар иморатларида бўлган одамлар ўлимига, шунингдек, ташланган кучли таъсир кўрсатувчи захарли модда (КТЗМ)лар билан ҳалокат жойига туташ ҳудуднинг захарланишига олиб келган темир йўл транспортдаги ҳалокат ва фалокатлар;

Портлашларга, ёнғинларга, транспорт воситаларининг парчаланишига, ташилаётган КТЗМларнинг зарарли хоссалари намоён бўлишига ва одамлар ўлими (жароҳатланиши, захарланиши)га сабаб бўладиган автомобил транспортининг ҳалокати ва авариялари, шу жумладан, йўлтранспорт ходисалари;

Одамларнинг ўлимига, шикастланишига ва захарланишига, метрополитен поёздлари парчаланишига олиб келадиган метрополитен

бекатларидаги ва тунелларидаги ҳалокатлар, авариялар, ёнғинлар;

Газ, нефт маҳсулотларининг отилиб чиқишига, очиқ нефт ва газ фаввораларининг ёниб кетишига сабаб бўладиган магистрал қувурлардаги авариялар.

2) Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар:

Теваракатроф табиий муҳитга таъсир қилувчи захарли моддаларнинг (авария ҳолатида) одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг кўплаб шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тақдирда, йўл қўйиладиган чегаравий концентрациялардан анча ортиқ миқдорда санитария — химоя ҳудудидан четга чиқишига сабаб бўладиган кимёвий хавфли объектлардаги авариялар, ёнғин ва портлашлар.

3) Ёнғин, портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар: Технологик жараёнда портлайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамда бошқа ёнғин учун хавфли моддалар ва материаллар ишлатиладиган ёки сақланадиган объектлардаги одамларнинг механик ва термик шикастланишларига, захарланишларига ва ўлимига, асосий ишлаб чиқариш захираларининг нобуд бўлишига, Фавқулодда вазиятлар ҳудудларида ишлаб чиқариш маромининг ва одамлар ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ёнғинлар ва портлашлар;

Одамларнинг шикастланишига, захарланишига ва ўлимига олиб келадиган ҳамда қидирув-қутқариш ишларини ўтказишни, нафас олиш органларини муҳофаза қилишнинг махсус анжомларини ва воситаларини қўллашни талаб қилувчи кўмир шахталаридаги ҳамда конруда саноатидаги газ ва чанг портлаши билан боғлиқ авариялар, ёнғинлар ва жинсларнинг қўпорилиши.

4) Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар: Саноат ва қишлоқ-хўжалиги маҳсулотлари истеъмолчиларининг авария туфайли энергия таъминотисиз қолишига ҳамда аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ГЭС, ГРЭС, ИЭСлардаги, туман иссиқлик марказларидаги электр

тармоқлардаги буғқозон қурилмаларидаги, компрессор, газ тақсимлаш шахобчаларидаги ва бошқа энергия таъминоти объектларидаги авариялар, ёнғинлар, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига ва саломатлигига хавф туғилишига олиб келадиган газ қувурларидаги, сув чиқариш иншоотларидаги, сув қувурларидаги, канализация ва бошқа коммунал объектларидаги авариялар;

Атмосфера, тупроқ, ер ости ва ер усти сувларининг одамлар саломатлигига хавф туғдирувчи даражада концентрациядаги зарарли моддалар билан ифлосланишига сабаб бўладиган газ тозалаш қурилмаларидаги, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидаги авариялар.

5) Бино ва иншоотларнинг бирдан қулаб тушиши билан боғлиқ авариялар:

Одамлар ўлими билан боғлиқ бўлган ва зудлик билан аварияқутқарув ўтказилишини ҳамда зарар кўрганларга шоншшнч тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қиладиган мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар ва бошқа ижтимоий йўналишдаги объектлар, шунингдек, уй-жой сектори бинолари конструкцияларининг тўсатдан бузилиши, ёнғинлар, газ портлаши ва бошқа ходисалар.

6) Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жihatдан зарарли моддалардан фойдаланши ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар:

Санитария-ҳимоя ҳудуди ташқарига чиқариб ташланиши натижасида пайдо бўладиган юқори даражадаги радиоактивлик одамларнинг йўл қўйиладиган кўп миқдорда нурланишини келтириб чиқарадиган технологик жараёнда радиоактив моддалардан фойдаланадиган объектлардаги авариялар; радиоактив материалларни ташиш вақтидаги авариялар; радиоизотоп буюмларнинг йўқотилиши; биологик воситаларни ва улардан олинадиган препаратларни тайёрлаш, сақлаш ва ташишни амалга оширувчи илмий-тадқиқот ва бошқа муассасаларда биологик воситаларнинг атроф-муҳитга чиқиб кетиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ вазиятлар.

7) Гидротехник иншоотлардаги ҳалокатлар ва авариялар: Сув омборларида, дарё ва каналлардаги бузилишлар, баланд тоғлардаги йўллардан сув уриб кетиши натижасида вужудга келадиган ҳамда сув босган ҳудудларда одамлар ўлимига, саноат ва қишлоқ хўжалиги объектлари ишининг, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ва шошилиш кўчириш тадбирларини талаб қиладиган ҳалокатли сув босишлари.

Экологик тусдаги ғавқулодда вазиятлар. Экологик тусдаги ҒВлар асосан 3 хил бўлади:

1. Қуруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар: ҳалокатли кўчкилар — фойдали қазилмаларни қазиб чоғида ер остига ишлов берилиши ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида ер юзасининг ўпирилиши, силжиши;

Тупроқ ва ер саноати туфайли келиб чиқадиган токсикантлар билан ифлосланиши, оғир металллар, нефт маҳсулотлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида одамларнинг соғлиги учун хавф солувчи концентрацияларда қўлланиладиган пестицидлар ва бошқа зарарли химикатлар мавжудлиги.

2. Атмосфера (ҳаво мухити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар:

Ҳаво мухитининг қуйидаги ингредиентлар билан экстремал юқори ифлосланиши:

— олтингугуртли оксид, азотли оксид, углеродли оксид, диоксид, қурум, чанг ва одамлар соғлигига хавф солувчи концентрацияларда антропоген тусдаги бошқа зарарли моддалар;

— кенг қўламда кислотали ҳудудлар ҳосил бўлиши ва кўп миқдорда кислота чиқиндилари ёғилиши;

— радиациянинг юқори даражаси.

3. Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:

Ер юзаси ва ер ости сувларининг саноат ва қишлоқ-хўжалиги ишлаб чиқариши оқовалари;

Нефт маҳсулотлари, одамларнинг заҳарланишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган, таркибида оғир металллар, ҳар хил заҳарли химикатлар мавжуд чиқиндилар ва бошқа зарарли моддалар билан экстеремал юқори даражада ифлосланиши;

Биолар, муҳандислик коммуникациялари ва уй-жойларнинг эмирилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган сизот сувлар миқдорининг ортиши;

Сув манбалари ва сув олиш жойларининг зарарли моддалар билан ифлосланиши оқибатида ичимлик сувининг кескин етишмаслиги.

Ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — БМТ бўйича фавқулодда вазиятларнинг тавсифига яна қўшимча қилиб:

- а) ижтимоий-сиёсий тавсифдаги ФВ;
- б) ҳарбий тавсифдаги ФВ ни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра бизнинг минтақада 7 хил ФВ турлари тасдиқланган:

- 1. Зилзилалар, ер сурилиши;
- 2. Сел, сув тошқинлари ва бошқалар;
- 3. Кимёвий хавфли объектларда авария ва фалокатлар (ўткир заҳарли моддаларнинг ажралиб чиқиши);
- 4. Портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд объектлардаги авария ва фалокатлар;
- 5. Темир йўл ва бошқа транспорт воситаларида ташиш пайтидаги авария ва фалокатлар;
- 6. Хавфли эпидемияларнинг тарқалиши;
- 7. Радиоактив манбалардаги авариялар.

Фуқаро муҳофазаси давлат тизимлари — ҳарбий даврда ҳам, тинчлик даврида ҳам юзага келадиган хавфлардан аҳолини, ҳудудларни, моддий бойликларни муҳофаза қилишда муҳим вазифаларни бажаради. Бу борада

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилган «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги қонунида ўз аксини топган.

4.4. «Қўшработ туман ишлаб чиқариш корхонаси» МЧЖда фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташхис қўйиш-даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек беморларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришлаш юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа махсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуққа эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамнинг вазифаси энг оддий чораларни кўриш билан шикастланган одам ҳаётини қутқариб қолиш, унинг азоб-уқубатларини камайтириш, рўй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатдир.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ҳодисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, баданнинг жароҳатланган ва куйган жойига стерил боғлам қўйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғриқ қолдирадиган дорилар юбориш,(шок маҳалида), ёниб турган кийимни учириш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизацияси), одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогаз кийгизиш, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкадан ўтказиш.

Бир йўла ҳар хил турдаги шикастга учраган одамга биринчи медицина ёрдами кўрсатишга киришилар экан, айрим усул-амалларнинг тартибни белгилаб олиш керак. Чунончи, сон суяги очик синиб, артериядан қон кетиб турган маҳалда биринчи навбатда ҳаёт учун хатарли бўлган қон кетишини тўхтатиш, кейин жароҳатга стерил боғлам қўйиш ва шундан кейингина оёқни қимирламайдиган қилиб боғлашга (иммобилизация қилиб қўйишга) киришиш: синган жойни ҳеч қимирламайдиган қилиб қўйиш учун махсус шина солиб боғлаш ёки қўлида бор воситалардан фойдаланиш керак.

Хулоса

Инновация сиёсатининг асослари мамлакатдаги реал ижтимоий-иқтисодий, ва сиёсий вазиятга мос қонунчилик далолатномалари тўпламини қабул қилишдан бошланади, унда бошқарув субъектлари ва объектлари, унинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъуллиги белгилаб қўйилади.

Инновация фаолиятининг давлат томонидан бошқарилишининг ташкилий механизми барча бевосита ва билвосита манфаатдор томонлар фикрларининг ҳисобга олиниши ва бир вақтнинг ўзида инновацияларни рағбатлантириш бўйича келишилган ҳолда чора-тадбирлар қабул қилиш учун шарт-шароитлар яратишни таъминлаши керак. Инновация сиёсатининг субъектлари давлат ҳокимияти (марказий ва маҳаллий), давлат корхоналари ва ташкилотлар, мустақил хўжалик юритувчи тузилмалар, ижтимоий ташкилотлар, илмий ходимлар ва инноваторларнинг ўзлари ҳисобланадилар.

Ўзбекистон худди бошқа давлатлар каби иқтисодий ўсишнинг мураккаб масалаларини якка ҳолда, яъни қолган дунё билан маҳсулот айирбошлаш жараёнларида меҳнатни халқаро тақсимлашда кенг иштирокисиз самарали ҳал қила олмайди. Унга ёш суверен давлат сифатида халқаро институт ва ташкилотларда фаол иштирок этиш билан бирга глобал иқтисодий тизимга чуқур интеграциялашиш лозим бўлади.

Инновацион ишларнинг дастурларини шакллантиришда фундаментал ва илмий-амалий-техникавий дастурлар доирасида бажарилган лойиҳаларга устуворлик берилади.

Албатта бундай кўрсаткичлар юқорида айтиб ўтган оқсашларнинг сабабларидан бири бўлмоқда. Барча ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда инновацияни янада такомиллаштириш, бўйича қуйидаги таклиф ва тавсияларимизни бермоқчимиз:

Биринчидан, авваламбор, мамлакатда кучли инновацион муҳитни шакллантириш керак, яъни янги босқичга олиб чиқиши керак.

Иккинчидан инновацион лойиҳаларни реал бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш керак. Масалан бунинг учун корхоналар аҳоли ҳозирда нимадан қийналяпти? ёки аниқ маҳсулот тури бўйич камчилк нимада? каби саволларга жавоб излаган ҳолда мавжуд ҳолат бўйича оддий бўлсада янги ишланма ишлаб чиқиш.

Учинчидан эса шундай талабларни қондирадиган тадбиркорларни кўпайтириш керак яъни инновацион тадбиркорликни ривожлантириш лозим.

Инновация бу кўпгина иқтисодий муаммоларни ҳал қилишнинг оқилона ечимидир. Инновация ривожланган сари нафақат бир мамлакат даражасидаги муаммони балки глобал даражадаги муаммони ҳам ҳал қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳозирда барча ривожланган мамлактлар инновацияга катта эътибор қаратмоқда. Биз инновация ёрдамида осонгина сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва таннархда ҳам қулайликка эришиб экспорт ҳажмини анчагина оширишимиз мумкин. Бу эса мамлактга валюта кириб келишини таъминлайди, натижада мамлактда миллий валютанинг ўз ўзидан обрўси барқарорлигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2016. – 62 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2007 йил 25 декабрдаги 136-сон қонуни билан тасдиқланган) (кейинчалик киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Т., 2017 йил 7 февраль
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–1731-сонли қарори
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 июндаги «Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–2613-сонли Фармони
6. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 29 б.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. - 686 б.
8. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь, № 13 (5687)
9. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва

тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир.
//Халқ сўзи, 2016 йил 15 январ. №12.

10. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Тошкент, 2005. - 88 бет.
11. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир.
//Халқ сўзи, 2016 йил 15 январ. №12.
12. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. //Халқ сўзи, 2017 йил 15 январь, № 13 (5687).
13. Абулқосимов Х.Р., Хамраев О.Я. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 304-б.
14. Александров М. Налоги и налогообложение: Учебник.–7-е. изд., перераб. и доп.. – М.: Дашков и Ко, 2007.– 314 с.
15. Алимардонов М. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга солиқ тизимининг таъсири: Монография. – Т.: ТМИ, 2003.- 233 б.
16. Алимардонов М.И. ва бошқ. Юридик шахсларни солиққа тортиш. – Т.: Чўлпон, 2013. – 296 б.
17. Барулин С.В. Теория и история налогообложения. учебное пособие. - М.: Экономист. 2009.
18. Бочаров В.В. Корпоративные финансы. – СПб.: Питер, 2012.
19. Вахабов А., Разыкова Г. Модернизация экономики. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – с. 200.
20. Вахабов А.В., Санакулова Б.Р. Кичик бизнес ва тадбиркорликни солиққа тортиш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 388-б.
21. Вахабов А., Жўраев А., Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. – Т.:

- Шарқ, 2009.- 448 б.
22. Ваҳобов А., Жумаев Н. Халқаро молия муносабатлари. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2003. - 400 б.
23. Вълкова Е.С., Романовский М.В. Налоговое планирование. — С-Пб.: Питер, 2004.
24. Еременко Е. А. Специальные налоговые режимы и концепция справедливости налогообложения // Финансы. 2015. № 9. С. 76–79.
25. Еременко Е. А. Специальные налоговые режимы и концепция справедливости налогообложения // Финансы. 2015. № 9. С. 76–79.
26. Жўраев А., Мейлиев О., Сафаров Ғ. Солиқ назарияси. -Т.: ТМИ, 2004. 166 б.
27. Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. - Т: Фан, 2004. - 224 б.
28. Зайналов Д., Саттаров Т. Проблемы обеспечения финансовой стабильности предприятий. Монография. – Т.: Шарқ, 2011.
29. Зайналов Ж.Р., Расулов З.Ж., Ахроров З.О. Корхоналар молияси. Маъруза курси. – Самарқанд: СамИСИ, 2015. – 264 б.
30. Исламкулов А.Х., Ражаббаев Ш.Р., Пардаев У.У. Давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш. Монография. – Т.: Спектрум Медиа Групп, 2015. – 160 б.
31. Камилов М.М. Қўшилган қиймат солиғини ундириш механизми ва уни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс.автореферати. – Тошкент: БМА, 2007. – 22 б.
32. Қудратов С. Тижорат банкларида корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма. – Т.: Академнашр, 2016. – 160 б.
33. Майбуrow И.А. и др. Теория и история налогообложения. 2-е изд.. перераб. и доп. - М.: 2011.
34. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. - Т., : Академия, 2002. - 279 б.

35. Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. - Т: Иқтисод ва молия, 2007, - 21 б.
36. Маманазаров А. Солиқ сиёсати. -Т.: Молия, 2003.
37. Миляков Н. Налоги и налогообложение: Учебник. Инфра-М, М.: 2007.- 507с.
38. Нурмухамедова Б., Кабирова Н. Финансы. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010.
39. Пансков В, Князев В. Налоги и налогообложение: Учебник для вузов.-М.: МЦФЭР, 2003.-336с.
40. Пансков В. Г. О некоторых теоретических аспектах содержания понятия «налоговая льгота» // Финансы и кредит. 2014. № 4 (580). С. 48–52.
41. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 392-б.
42. Соколов А.А. Теория налогов. М.: ЮрИнфоР-Пресс. 2003
43. Тошматов Ш.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асослари. – Т.: Молия, 2012. – 97 б.
44. Тошматов Ш.А. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: БМА, 2008. -38 б.
45. Тошматов Ш.А., Ражаббаев Ш.Р. ва бошқалар. Молиялаштиришнинг инновацион усуллари. Монография. – Т.: Молия, 2015. – 160 б.
46. Тошмурадова Б.Э. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизмини.-Т.: Янги аср авлоди, 2002.- 128 б.
47. Тошмуродова Б.Э., Элмирзаев С.Э., Ахмедов Х.Р. Корпоратив молия стратегияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 128 б.
48. Финансовые и денежно-кредитные методы регулирования экономики. Теория и практика / под ред. М. А. Абрамовой, Л. И. Гончаренко, Е. В. Маркиной. М.: Юрайт, 2014. 551 с.
49. Финансовые и денежно-кредитные методы регулирования экономики.

- Теория и практика / под ред. М. А. Абрамовой, Л. И. Гончаренко, Е. В. Маркиной. М.: Юрайт, 2014. 551 с.
50. Ходиев Б.Ю., Карлибаева Р.Х., Расулов Н.М. Корпоратив бошқарув: Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2011. -301 б.
51. Хайдаров Н.Х. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари. Ўқув қўлланма. Академия. - Т.: 2007. -214 б.
52. Хусанов Ғ. ва бошқалар. Молиявий менежмент. – Т.: 2008
53. Шодибекова Д.А. Кичик бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: 2010. 280 б.
54. Юлдашев С. ва б. Молиявий менежмент. – Т.: Ворис, 2013
55. Юткина Т. Налоги и налогообложение. Учебник. 2-е изд, перераб. и доп.- М.: ИНФРА-М, 2002.-576 с.
56. Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти: Дарслик.–Т.: Фан ва технологиялар, 2003.–247.
57. Журнал ва газеталар:
- Бозор, пул ва кредит 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
 - Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
 - Солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисоби 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
 - Молия 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-2 сонлари;
 - Иқтисодиёт ва таълим 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-2 сонлари;
 - Солиқ ва божхона хабарлари 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари.
58. Интернет сайтлари:
- [http: //www.finansy.ru](http://www.finansy.ru)
- [http: //www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)
- [http: //www.mf.uz](http://www.mf.uz)
- [http: //www.stat.uz](http://www.stat.uz)
- [http: //www.lex.uz](http://www.lex.uz)